

**ТДИУ ҲУЗУРИДАГИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ  
ТАРМОҚ МАРКАЗИ**



**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ  
МАЖМУА**



**ТОШКЕНТ-2021**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАХБАР  
КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ  
ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ  
ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ  
йўналиши**

**“МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО  
СТАНДАРТЛАРИ”  
модули бўйича**

**Ў Қ У В – У С Л У Б И Й  
М А Ж М У А**

**Мазкур ўқув-услугий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

**Тузувчилар:** проф. Ш.Эргашева, доц. Ф.Абдувахидов.

**Тақризчи:** ТДИУ, иқтисод фанлари доктори, профессор, Ибрагимов А.Г.

**Ўқув -услугий мажмуа Тошкент давлат иқтисодиёт университети Кенгашининг 2020 йил 29 декабрдаги 5-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.**

## МУНДАРИЖА

<b>I. ИШЧИ ДАСТУР.....</b>	<b>4</b>
<b>II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ. ....</b>	<b>10</b>
<b>III. МАЪРУЗА МАТНЛАРИ .....</b>	<b>16</b>
<b>IV. АМАЛИЙ МАНБУЛАТ МАТЕРИАЛЛАРИ, ТОПШИРИҚЛАР ВА УЛАРНИ БАЖАРИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР .....</b>	<b>54</b>
<b>V. БИТИРУВ ИШИ УЧУН МАВЗУЛАР .....</b>	<b>59</b>
<b>VI. КЕЙСЛАР БАНКИ.....</b>	<b>60</b>
<b>VII. ГЛОССАРИЙ.....</b>	<b>76</b>
<b>VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....</b>	<b>79</b>

# І. ИШЧИ ДАСТУР

## Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон ва 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 ноябрдаги “Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида рақамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4022-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги “2019 – 2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4477-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4611-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сон Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш, илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш, таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш, махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили, мутахассислик фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш, вебинар, онлайн, «blended learning», «flipped classroom» технологияларини амалиётга кенг қўллаш бўйича

тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда тингловчиларнинг мутахассислик фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

“Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари” **модулининг мақсади:** педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчиларини инновацион таълим технологияларига доир билимларини такомиллаштириш, инновацион технологияларни ўзлаштириш, жорий этиш, таълим амалиётида қўллаш ва яратиш кўникма ва малакаларини таркиб топтириш.

“Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари” **модулининг вазифалари:**

- ҳисоб ва ҳисобот қўлланилиш соҳаларини аниқлаштириш;
- тингловчиларда халқаро ҳисоб ва ҳисоботдан самарали фойдаланиш кўникма ва малакаларини ривожлантириш;
- тингловчиларда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўйича инновацион таълим технологияларини лойиҳалаш ва режалаштиришга доир проектив, прогностик ва креатив компетентликни ривожлантириш.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

“Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш”, “Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш”, “Педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш”, “Таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш” ҳамда “Махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Мутахассислик фанлари бўйича тингловчилар қуйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

#### ***Тингловчи:***

- молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларининг концептуал асослари;
- молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларининг иқтисодий ривожлантиришдаги вазифаларини;
- молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини ташкил этишнинг усул, услубиётлари ҳамда ҳуқуқий-меъёрий асосларини;
- ривожланган давлатларда бухгалтерия ҳисобининг ташкилий тамойилларини;
- Ўзбекистон Республикаси ва ривожланган мамлакатларда ҳисоб тизимини;

- Ўзбекистон Республикаси ҳисоб тизимларидаги халқаро интеграция ва уни амалиётга тадбиқ қилиш;
- Ўзбекистон Республикаси ва ривожланган мамлакатларда ҳисоб турларини;
  - молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларининг яратилиш тарихини;
  - молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўйича қўмита (МХХСК)нинг мақсади ва унинг тавсифини;
  - тушумларни ҳисобга олувчи стандартларининг тавсифини;
  - номолиявий активларни ҳисобга олувчи стандартларининг тавсифини;
  - молиявий ҳисобот трансформациясини **билиши керак**.

***Тингловчи:***

- бухгалтерия ҳисобининг ташкилий тамойиллари ва вазифаларига таъсир этувчи омилларни аниқлаш;
- молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини ишлаб чиқиш;
- молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини қабул қилиш;
- молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларидан фойдаланиш;
- молиявий ҳисоботни тузиш ва тақдим этиш;
- молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини қўллаш;
- молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини концептуал асосларини қўллаш;
- молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларининг хориж тажрибаси ва замонавий тизимларини қўллаш **кўникмаларга эга бўлиши керак**.

***Тингловчи:***

- молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини қўллашда ахборот технологияларидан фойдалана олиш ҳамда ўқув жараёнига тадбиқ этиш;
- бухгалтерия ҳисобининг миллий ва халқаро тажрибаларини қиёсий таҳлил қила олиш ҳамда таълим жараёнида қўллаш;
- бухгалтерия ҳисобини юритишда махсус компьютер дастурларидан фойдаланишга оид **малакаларига эга бўлиши зарур**.

***Тингловчи:***

- молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўйича ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлардаги тартиб ва қоидаларни амалиётга жорий қила олиш;
- молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини самарали фойдаланиш механизмларини ишлаб чиқишда фаол қатнашиш;
- молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини концептуал асосларини қўллаш **компетенциясига эга бўлиши зарур**.

**Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-

сўровлар, тест сўровлари, аклий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

Ўқув модул мазмуни ўқув режадаги учинчи ва бешинчи блок ҳамда мутахассислик ўқув модулларининг барча соҳалари билан узвий боғланган ҳолда профессор-ўқитувчиларнинг умумий тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Ҳозирги глобаллашув шароитида бухгалтерия ҳисоби тизими ва ундаги ислоҳотларнинг устувор йўналишлари тўғрисида назарий ва амалий билимларни мужассамлаштирган бўлиб, унда мамлакатимиз бухгалтерия ҳисоби тизимидаги ислоҳотларнинг концептуал асослари ёритиб берилган. Замонавий иқтисодчи педагог кадрлар учун ушбу йўналишдаги маълумотларни ўзлаштириш талаб қилинади ва бунда ўқув модулнинг роли юқоридир.

### **Модуллар бўйича соатлар тақсимооти:**

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат			
		Аудитория ўқув юкلامаси			
		жами	жумладан		
Назарий машғулот	Амалий машғулот		Кўчма машғулот		
1	Дунё мамлакатларда бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг умумий тамойиллари ва ўзига хос хусусиятлари.	6	4	4	
2	Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини асосий мазмуни ва унинг бухгалтерларни тайёрлаш тизимидаги ўрни.	6	4	4	
3	Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини концептуал асослари	8		4	
	<b>Жами:</b>	<b>20</b>	<b>8</b>	<b>12</b>	



## **НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-мавзу. Дунё мамлакатларда бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг умумий тамойиллари ва ўзига хос хусусиятлари.**

Ривожланган давлатларда бухгалтерия ҳисобининг ташкилий тамойиллари ва вазифалари, унга таъсир этувчи омиллар. Ўзбекистон Республикаси ва ривожланган мамлакатларда ҳисоб тизими, уни таркибий тузилиши ва ҳисоб турлари.

### **2-мавзу: Молиявий ҳисобот халқаро стандартларининг асосий мазмуни ва унинг бухгалтерларни тайёрлаш тизимидаги ўрни.**

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларининг яратилиш тарихи. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўйича қўмита(МХХСК)нинг мақсади ва унинг тавсифи. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва фойдаланиш имкониятлари.

Тушумларни ҳисобга олувчи стандартларининг тавсифи. Номолиявий активларни ҳисобга олувчи стандартларининг тавсифи. Баҳолашни ҳисобга олувчи стандартларининг тавсифи. Номолиявий мажбуриятларни ҳисобга олувчи стандартларининг тавсифи. Молиявий инструментларни ҳисобга олувчи стандартларининг тавсифи. Консолидациялаш асосларини ҳисобга олувчи стандартларининг тавсифи. Молиявий ҳисобот трансформацияси.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-амалий машғулот:**

#### **Дунё мамлакатларда бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг умумий тамойиллари ва ўзига хос хусусиятлари.**

Ривожланган давлатларда бухгалтерия ҳисобининг ташкилий тамойиллари ва вазифалари, унга таъсир этувчи омиллар. Ўзбекистон Республикаси ва ривожланган мамлакатларда ҳисоб тизими, уни таркибий тузилиши ва ҳисоб турлари.

### **2- амалий машғулот:**

#### **Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини асосий мазмуни ва унинг бухгалтерларни тайёрлаш тизимидаги ўрни.**

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларининг яратилиш тарихи. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўйича қўмита(МХХСК)нинг мақсади ва унинг тавсифи. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва фойдаланиш имкониятлари.

### **3- амалий машғулот:**

#### **Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини концептуал асослари**

Тушумларни ҳисобга олувчи стандартларининг тавсифи. Номолиявий активларни ҳисобга олувчи стандартларининг тавсифи.

#### **4-амалий машғулот:**

##### **Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини концептуал асослари**

Баҳолашни ҳисобга олувчи стандартларининг тавсифи. Номолиявий мажбуриятларни ҳисобга олувчи стандартларининг тавсифи.

#### **5-амалий машғулот:**

##### **Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини концептуал асослари**

Молиявий инструментларни ҳисобга олувчи стандартларининг тавсифи.

#### **6-амалий машғулот:**

##### **Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини концептуал асослари**

Консолидациялаш асосларини ҳисобга олувчи стандартларининг тавсифи. Молиявий ҳисобот трансформацияси.

### **КЎЧМА МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

Модулнинг ўқув дастурида кўчма машғулотлар режалаштирилмаган.

### **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Диалог, полилог, мулоқот ҳамкорлик ва ўзаро ўрганишга асосланган фронтал, коллектив ва гуруҳ шаклларида фойдаланиш. Ўқитишнинг анъанавий шакллари (дарслик, маъруза матни, ўқув-услубий мажмуа) билан бир қаторда - компьютер ва ахборот технологияларидан фойдаланиш.

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

### “SWOT-таҳлил” методи.

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

<b>S – (strength)</b>	• кучли томонлари
<b>W – (weakness)</b>	• заиф, кучсиз томонлари
<b>O – (opportunity)</b>	• имкониятлари
<b>T – (threat)</b>	• тўсиқлар

### Намуна:

**Топширик:** Бухгалтерия ҳисоботини шакллантиришни SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.


<b>S</b>	кучли томонлари	Молиявий ҳисоботни халқаро тизимида тайёрланиши
<b>W</b>	кучсиз томонлари	Ҳисобот турлари бўйича маълумотларни йиғиш
<b>O</b>	имкониятлари (ички)	Ҳисоб сиёсати асосида ички имкониятлар, яъни чораклик, йиллик ҳисобот маълумотларини шакллантириш
<b>T</b>	Тўсиқлар (ташқи)	Назорат нуктаи назардан хўжалик фаолиятини бошқаришда бошқарув қарорларини амалга ошмаслиги

**Маълумотларни таркиблаштириш ва таркибий бўлиб чиқиш,  
ўрганилаётган тушунчалар (воқеа ва ҳодисалар, мавзулар) ўртасидаги  
алоқа ва ўзаро боғлиқликни ўрнатиш усул ва воситалари**

**ИНСЕРТ ЖАДВАЛИ**

V	+	-	?
Акциялар: - оддий; - имтиёзли	Устав капиталани шакллантиришдаг и курс фарқлари	Пай қўйилмалар	ва Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар
Эмиссион даромад	Текинга олинган мулк	Грантлар	Сотиб олинган хусусий акциялар оддий, имтиёзли
Резерв капитали	Келгуси харажатлар тўловлар резервлари	Субсидиялар	ва
		Мақсадли фойдаланишга йўналтирилган солиқ имтиёзлари	

# КЛАСТЕР



## ТОИФАЛАШ ЖАДВАЛИ

ХУСУСИЙ КАПИТАЛ			
Устав капиталани	Қўшимча капитал	Фойда ва харажатлар	Мақсадли тушумлар
<ul style="list-style-type: none"> <li>- оддий акциялар;</li> <li>- имтиёзли акциялар</li> <li>- пайлар;</li> <li>- улушлар.</li> </ul>	<p>1. Қўшилган капитал:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- эмиссион даромад;</li> <li>- устав капиталани шакллантиришдаги курс фарқлари.</li> </ul> <p>2. Резерв капиталани:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар;</li> <li>- резерв капиталани;</li> <li>- текинга олинган мулк</li> </ul>	<p>1. Фойда:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- тақсимланмаган фойда;</li> <li>- жамғарилган фойда.</li> </ul> <p>2. Келгуси харажатлар ва тўловлар резервлари</p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- грантлар;</li> <li>- субсидиялар;</li> <li>- аъзолик бадаллари;</li> <li>- мақсадли;</li> <li>- фойдаланишга йўналтирилган солиқ имтиёзлари;</li> <li>- бошқа мақсадли тушумлар.</li> </ul>

## Б/БХ/Б ЖАДВАЛИ

Биламан	Билишни хоҳлайман	Билиб олдим
<p>Акциялар:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- оддий;</li> <li>- имтиёзли</li> </ul>	Пай ва қўйилмалар	
Эмиссион даромад	Грантлар	
Резерв капиталани	Субсидиялар	
Устав капиталани шакллантиришдаги курс фарқлари	Мақсадли фойдаланишга йўналтирилган солиқ имтиёзлари	
	Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар	
	Сотиб олинган хусусий акциялар – оддий, имтиёзли	

## КОНЦЕПТУАЛ ЖАДВАЛ

<b>Хўжалик юритувчи субъектлар шакли</b>	<b>Таърифлар, тоифалар, хусусиятлар ва бошқалар</b>		
	<i>Капиталнинг мулкый шакли</i>	<i>Бошқарув шакли</i>	<i>Ишлаб чиқариш режалари</i>
<b>Акциядорлик жамиятлари</b>	Акциядорлар	Акциядорлар йиғилиши	Акциядорлар томонидан стратегик режа асосида
<b>Масъуляти чекланган жамиятлар</b>	Таъсисчилар	Бошқарув органи	Бозор талабидан келиб чиққан ҳолда

Маълумотларни таҳлил қилиш, солиштириш ва таққослашнинг йўл ва  
воситалари  
**ВЕНН ДИАГРАММАСИ**





### III. МАЪРУЗА МАТНЛАРИ

#### 1-мавзу: Дунё мамлакатларда бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг умумий тамойиллари ва ўзига хос хусусиятлари

---

##### Режа:

1.1. Дунё мамлакатларда бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг умумий тамойиллари ва ўзига хос хусусиятлари.

1.2. Ривожланган давлатларда бухгалтерия ҳисобининг ташкилий тамойиллари ва вазифалари, унга таъсир этувчи омиллар.

1.3. Чет мамлакатларда бухгалтерия ҳисобини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш амалиётидаги хусусиятлар.

1.4. Бухгалтерия ҳисоби моделлари ва тизимларининг таснифи.

1.5. Ўзбекистон Республикаси ва ривожланган мамлакатларда ҳисоб тизими, уни таркибий тузилиши ва ҳисоб турлари.

**Таянч иборалар:** *Ҳисоби тизими, тезкор ҳисоб, статистик ҳисоб, бухгалтерия ҳисоби, ўлчов бирликлари, натура ўлчов бирлиги, вақт ўлчов бирлиги, пул ўлчов бирлиги, хўжалик ҳисобига қўйиладиган талаблар, бухгалтерия ҳисоби принциплари, таъминот жараёни, ишлаб чиқариш жараёни, сотиш жараёни, бухгалтерия ҳисоби предмети, хўжалик маблағлари, маблағларнинг ташкил топиш манбалари, хўжалик жараёнлари, ҳужжатлаштириш, инвентаризация, счётлар тизими, иккиёқлама ёзув, баҳолаш, калькуляция, ҳисобот.*

#### 1.1. Дунё мамлакатларда бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг умумий тамойиллари ва ўзига хос хусусиятлари.

Жаҳон амалиётида бухгалтерия ҳисобини ҳамкорлик тили, бизнес ва ишбилармонлик калити деб бежиз тан олинмаган. Бухгалтерия ҳисоби маълумотларидан кўпчилик манфаатдор шахслар бўлиб, ундан, хусусан: инвесторлар ва кредиторлар (ташқи фойдаланувчилар), компания менежерлари (ички фойдаланувчилар), давлат органлари хизматчилари, рақобатчилар ва бошқалар томонидан фойдаланилади.

Бухгалтерия ҳисоби хизматининг натижавий кўрсаткичи молиявий ҳисоботлар бўлиб, унинг асосий мақсади ва вазифалари инвестициялар киритиш ва кредитлар бериш тўғрисида қарорлар қабул қилишда зарур, ҳал қилувчи ва фойдали бўлиши, ундан фойдаланувчиларга пул маблағларининг келгусидаги ҳаракатини баҳолашга ёрдам бериши, мулкӣ, моддий, меҳнат ва молиявий ресурслардаги ўзгаришларни ҳаққоний ва объектив акс эттирилган ахборотни тақдим этишдан иборат.

Хорижий давлатларда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, юритиш ва ҳисоботни тузиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан тамойиллари сезиларли даражада фарқ қилади. Ушбу фарқлар хўжалик фаолиятини ташкил

этиш ва мавжуд мулкчилик шаклларининг хилма-хиллиги ҳамда ҳисоб амалиётига ташқи (сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, жуғрофий, технологик ва бошқа) омилларнинг таъсири натижасида юзага келади.

## **1.2. Ривожланган давлатларда бухгалтерия ҳисобининг ташкилий тамойиллари ва вазифалари, унга таъсир этувчи омиллар**

Халқаро амалиётда бухгалтерия ҳисобининг тамойиллари қилиб қуйидагилар ҳисобланади:

1. Амал қилувчи корхона (давомийлик) тамойили
2. Доимийлик(қиёсланувчанлик) тамойили
3. Эҳтиёткорлик(консерватизм) тамойили
4. Мувофиқлик(ҳисоблаш) тамойили

*Амал қилувчи корхона (давомийлик) тамойили* шуни билдирадики, бухгалтерия ҳисобини юритиш муддати хўжалик юритувчи субъект фаолият кўрсатган муддатга мос бўлиши лозим, яъни хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерия ҳисоби субъект тугатилган ёки у банкрот деб эълон қилинган пайтгача юритилиши лозим. Хўжалик юритувчи субъект ўз фаолиятини тўхтатган кундан бошлаб, бухгалтерия ҳисобини юритиш ҳам тўхтатилади.

Молиявий ҳисоботни давомийлик қонидаси асосида тайёрлаш хўжалик юритувчи субъект доимий ҳаракат қилишини ва узоқ муддат давомида ўз фаолиятини давом эттиришини, яъни хўжалик юритувчи субъектнинг ўзини тугатишига ёки ўз фаолияти соҳасини қисқартиришга эҳтиёжи йўқлигини билдиради.

Агар раҳбар хўжалик юритувчи субъектни тугатиш ёки унинг фаолияти кўламларини қисқартириш зарур деб ҳисобласа ёхуд шундай вазиятга олиб келадиган шароит мавжуд деб ўйласа, молиявий ҳисобга тушунтиришларда бундай фактнинг мазмунини очиб бериши ва молиявий ҳисоботни тузишга асос бўлган жиҳатларни, давомийлик тамойилидан чекиниш сабабларини кўрсатиши зарур.

Молиявий ҳисоботлар, одатда тадбиркорлик субъекти узлуксиз ишлайди ва фаолиятини кўзланган келажакда давом қилади деган фараз асосида тайёрланади. Шундай экан, тадбиркорлик субъекти ўз фаолиятини тугатиш ёки фаолият кўламини муҳим даражада қисқартириш нияти ҳам, зарурати ҳам йўқ деб тахмин қилинади; агар бундай ният ёки зарурият мавжуд бўлса, молиявий ҳисоботлар бошқача асосда тайёрланиши лозим бўлиши мумкин ва агар шундай бўлса, ушбу асос очиб берилади.

*Доимийлик(қиёсланувчанлик) тамойили.* Молиявий ахборот фойдали ва мазмунли бўлиши учун у турли ҳисобот даврларидаги ахборотларга қиёсланадиган бўлиши керак. Ҳисоботдан фойдаланувчилар хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисоботни тайёрлаш чоғида фойдаланган ҳисоб сиёсатидан,

бу сиёсатдаги барча ўзгаришлардан ва бундай ўзгаришларнинг натижаларидан хабардор бўлиши керак.

Молиявий ҳисоботда ундан олдинги даврга нисбатан бутун қиёсий ахборотни очиб бериш зарур. Олдинги даврдаги молиявий ҳисоботларнинг шарҳлари ва баён қилувчи ахборотлари жорий ҳисобот даври учун ҳам тақдим этилиши ва жорий ҳисобот даври молиявий ҳисоботларини холисона тақдим этиш учун зарур бўлса, янгилаши керак.

Молиявий ҳисоботнинг кўрсаткичларини тузатиш ёки унинг моддаларини тасниф этиш чогида жорий ҳисобот билан қиёсийликни таъминлаш учун қиёслама миқдорлар қайтадан тасниф этилиши ва айна пайтда бундай таснифнинг характери, миқдори, сабаби очиб берилиши лозим. Бунинг имконияти бўлмаса, хўжалик юритувчи субъект қайта тасниф этиш сабабини ва агар миқдорлар қайтадан тасниф этилган бўлса киритилган ўзгаришларнинг характерини очиб бериши лозим.

Агар ахборот фақат тақдим этиш учун, масалан маълум бир давр бошидаги ва охиридаги номоддий ва моддий активларнинг сальдосини текшириш учун хизмат қилса, бундай ҳолларда қиёсланадиган ахборот талаб қилинмайди.

Шундай вазиятлар ҳам борки, жорий давр билан қиёслаш мақсадида қиёсланадиган ахборотни қайта тасниф этиш мумкин бўлмайди. Масалан, бундан олдинги даврдаги ахборот қайта тасниф этиш мумкин бўлмайдиган тарзда тўпланган бўлиши мумкин, бу эса ахборотни ўзгартиришга амалда имкон бермайди. Бундай вазиятда қиёсланадиган миқдорларга киритилиши мумкин бўлган тузатишларнинг характери очиб берилиши лозим.

Қиёсийлик тамойилига риоя қилиш учун қуйидаги шартларни бажариш керак:

- бутун ахборот миқдорига нисбатан талаблар;
- ҳисобот йилида ҳисоботни тақдим этишга ёндашув ўзгарган тақдирда ундан олдинги давр ахбороти қиёслаш мақсадлари учун қайтадан тасниф этилиши лозим.

Агар амалий мулоҳазалар билан қайта тасниф этиш мумкин бўлмаса, башарти қайта тасниф амалга оширилганда содир бўладиган ўзгаришларнинг сабаблари ва характери очиб берилиши лозим.

Фойдаланувчиларнинг қарорлари муқобил ёндашувлардан бирини танлашни ўз ичига олади, масалан, инвестицияни сотиш ёки сақлаб туриш, ёхуд бу ёки бошқа ҳисобот берувчи тадбиркорлик субъектига инвестиция қилиш тўғрисидаги қарорлардан бирини танлаш. Шундай қилиб, ҳисобот берувчи тадбиркорлик субъекти тўғрисидаги ахборотни бошқа тадбиркорлик субъектлари тўғрисидаги ўхшаш ахборот билан ва мазкур тадбиркорлик

субъектига тегишли бўлган бошқа давр ёки бошқа санага бўлган ўхшаш ахборот билан таққослаш мумкин бўлсагина у фойдалироқ бўлади.

Қиёсланувчанлик фойдаланувчиларга нарсаларнинг ўхшашликлари ва фарқларини аниқлаш ва тушунишга ёрдам берадиган сифат хусусиятидир. Бошқа сифат хусусиятларидан фарқли улароқ, қиёсланувчанлик бир нарсага (моддага) тегишли бўлмайди. Қиёслаш камида икки нарса (модда) бўлишини талаб этади.

Изчиллик қиёсланувчанлик билан боғлиқ бўлса-да, айнан шу маънони билдирмайди. Изчиллик бир ҳисобот берувчи тадбиркорлик субъекти доирасида ҳар хил даврлардаги ёки бир давр ичида ҳар хил тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган бир хил моддаларга нисбатан бир хил усуллар қўлланилишини англатади. Қиёсланувчанлик мақсад бўладиган бўлса, изчиллик ушбу мақсадга эришишга ёрдам беради.

Қиёсланувчанлик – бу бир хиллик эмасдир. Ахборот қиёсланувчан бўлиши учун ўхшаш нарсалар ўхшаш кўриниши керак ва бир биридан фарқ қиладиган нарсалар бир биридан фарқ қиладиган кўринишга эга бўлиши керак. Ўхшаш нарсаларни ҳар хил қилиб кўрсатиш орқали молиявий ахборотнинг қиёсланувчанлигини оширишга қараганда бир бирига ўхшамаган нарсаларни ўхшаш қилиб кўрсатиш орқали ушбу қиёсланувчанликни кўпроқ қилиб ошириб бўлмайди.

Қиёсланувчанликнинг маълум даражасига, асосий сифат хусусиятларига риоя қилиш орқали, эҳтимол, эришиш мумкин. Табиий-ки, ўринли иқтисодий ҳодисани ишончли тақдим қилиш бошқа ҳисобот берувчи тадбиркорлик субъектининг ўринли иқтисодий ҳодисасини ишончли тақдим қилиш билан маълум даражада қиёсланувчан бўлиши керак.

Битта иқтисодий ҳодиса турли усуллар ёрдамида ишончли тақдим этилиши мумкин бўлса-да, айнан битта иқтисодий ҳодисани ҳисобга олиш учун муқобил усулларни руҳсат этиш қиёсланувчанликни пасайтиради.

*Эҳтиёткорлик(консерватизм) тамойили.* Эҳтиёткорлик тамойили молиявий ҳисоботда активлар ва даромадлар нархининг оширилиб юборилишига ва мажбуриятлар ёки харажатлар баҳоси камайтирилишига йўл қўйилмаслиги лозимлигини билдиради.

Бу тамойилнинг қўлланиши яширин захираларни барпо этишга ёки таъминотни ошириб кўрсатишга, активлар ёки фойдани, мажбуриятлар ва харажатларни атайлаб камайтиришга ва ошириб кўрсатишга ҳуқуқ бермайди.

*Мувофиқлик (ҳисоблаш) тамойили.* Даромадлар ва харажатлар бухгалтерия ҳисобида эътироф этилади ва келган даврда тушиши ёки пайдо бўлишига қараб

(пул маблағларини олиш ёки тўлаш асосида эмас) молиявий ҳисоботларда акс эттирилади.<sup>1</sup>

Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (янги таҳрири) 3-моддасида: “Бухгалтерия ҳисобининг асосий принциплари. Узлуксизлик, ишонччилик, кўрсаткичларнинг қиёсланувчанлиги бухгалтерия ҳисобининг асосий принципларидир” -деб белгиланган.<sup>2</sup>

Бухгалтерия ҳисобини юритиш амалиётининг мазмунига таъсир этувчи омилларни турли хил мамлакатларнинг тараққиёт даражаси ва минтақавий жойлашувига қараб қуйидагича таснифлаш мумкин:

– бухгалтерия ҳисоби ахборотининг асосий фойдаланувчилари бўлган инвесторлар ва кредиторларнинг тоифаларига кўра;

– инвестиция қилиш жараёнига жалб этилган жисмоний ва юридик шахсларнинг сони қараб;

– инвесторларнинг бизнесни бошқаришдаги иштироки ва ролига кўра;

– молия ва қимматли қоғозлар бозорининг ривожланиш даражаси қараб;

– мамлакатларнинг глобал халқаро иқтисодий жараёнлар ва тадбиркорлик фаолиятида иштирок этиш даражасига кўра ва ҳ.к.

Мазкур омилларнинг бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш ва юритишга таъсирини айрим мамлакатларнинг ривожланиши мисолида таҳлил қиламиз.

АҚШ ва Буюк Британия давлатлари ривожини таҳлилини гувоҳлик беришича, саноат инқилоби асосан ўрта бизнеснинг пайдо бўлиши ҳисобидан бойликнинг кескин ортишига олиб келди. Айнан мазкур жараён молиявий ҳисобнинг ривожланишига катта таъсир кўрсатди, чунки инвесторлар ва кредиторларнинг сони ошди, уларнинг таркиби хилма-хиллашиб борди. Кўплаб компаниялар корпоратив мулк шаклини қабул қилди. Компаниялар эгалари, инвесторлар ўз капиталини тезкор бошқаришни профессионал бошқарувчиларга топшириб, ўзини ушбу функциядан халос эта бошлади. Бундай ҳолатда молиявий ҳисоб юритиш ва унинг ахборотлари компаниянинг молиявий ҳолати ҳақидаги маълумотларнинг энг муҳим манбаига айланди. Бошқарув ходимлари томонидан акциядорларга моддий, меҳнат ва молиявий ресурслардан самарали фойдаланишни назорат қилиш учун молиявий ҳисоботлар тақдим этилиши амалиётининг пайдо бўлганлиги бежиз эмас, чунки айнан ушбу ҳолат молиявий ҳисоботларнинг инвесторлар ва кредиторларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилганлигини белгилаб берди. Молиявий ҳисоб АҚШ ва Буюк Британияда кўплаб йиллар мобайнида ана шундай йўналишга эга бўлганлиги

<sup>1</sup> Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асос. <https://www.mf.uz/uz/component/k2/item/74-mezhdunarodnye-standarty/Myrojoaat> килинган сана: 16\_12\_2017 йил

<sup>2</sup> <http://xs.uz/index.php/uzhzhatlari/item/7279-bukhgalteriya-hisobi-to'risidagi> qonun-yangi-tahriri

таъсирида мазкур мамлакатларда қимматли қоғозлар бозори ва биржалари ташкил этилди. Натижада бу мамлакатлар компанияларини молиявий ҳисоботлари таҳлил қилишга қулай шаклга келтирилди ва молиявий ҳисобнинг мақсади - хўжалик фаолиятининг рентабеллигини таъминлашдан иборат қилиб белгиланган.

Германия, Швейцария каби мамлакатларда эса молиявий сиёсат бизнес эҳтиёжларининг катта қисмини қаноатлантирувчи банкларнинг сони камлиги билан белгиланади. Бу бир вақтнинг ўзида оддий ва самарали йўл ҳисобланган акциядорлик компанияларининг марказлашувига ҳам олиб келди, чунки бунда компания мулкдорлар ва кредиторларнинг чекланган сонига эга бўлади. Мазкур мамлакатлар ҳукуматлари масалан, америка компанияларига нисбатан компаниялар ҳақидаги айрим ахборотларни чоп этишни талаб қилади, шунинг учун компаниялар ҳам молиявий ҳисоботларни тайёрлаш ва эълон қилишга мажбур эканлиги сабабли, улар ҳисоботни камроқ деталлаштирилган кўринишда тайёрлайди. Бу мамлакатларда молиявий ҳисоботлар авваламбор, кредитор банкларни ҳимоялашга қаратилган бўлиб, бундай консерватизм ҳолати бухгалтерия амалиёти учун хосдир.

Айрим давлатларда ҳукумат миллий ресурсларни бошқаришда ҳал қилувчи ролни ўйнайди. Франция ва Швецияда бухгалтерия ҳисобининг ривожини бир мунча бошқа хусусиятга эга. Корхоналар макроиқтисодий режалаштириш доирасида ҳукуматнинг иқтисодий сиёсатига амал қилиши шарт. Бу давлатларда ҳукумат нафақат бизнеснинг молиявий имкониятларини назорат қилади, балки зарур ҳолларда инвестор ёки кредитор ролида ҳам иштирок этади. Пировардида таъкидлаш лозимки, бухгалтерия ҳисоби, авваламбор, давлат режа органларининг эҳтиёжларига йўналтирилган, фирма ва компаниялар эса ҳисоб ва ҳисоботлар соҳасидаги унификацияланган (ягоналаштирилган) стандартларга амал қилишга мажбур эканлигини эътироф этиш лозим.

### **1.3. Чет мамлакатларда бухгалтерия ҳисобини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш амалиётидаги хусусиятлар**

Ҳозирги пайтда халқаро амалиётда бухгалтерия ҳисобини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг иккита йўналиши шаклланган бўлиб, улар мамлакатда амал қилаётган қонунчилик ва унинг ижтимоий тараққиётни турли қирраларига таъсири жиҳатдан фарқ қилади. Биринчи йўналишга бухгалтерия ҳисобига тааллуқли қонунларнинг сертармоқ кодексига эга бўлган мамлакатлар киради. Иккинчи йўналиш умумий ҳуқуқ йўналишидаги қонунчиликни қўлловчи мамлакатларни қамраб олган.

Биринчи ҳолатда қонунлар мажбурий кўрсатмалар мажмуасини ўзида намоён этган ҳолда қатъий белгиланган хусусиятга эга. Бу ҳолат жисмоний ва юридик шахслар қонуннинг ҳар бир бандига оғишмай амал қилиши лозимлигини англатади. Мазкур ёндашувга амал қилувчи аксарият мамлакатларда ҳисоб юритиш стандартлари давлат қонунлари даражасига иб чиқилган. Бунда ҳисоб юритиш тартиб-таомиллари барча даражаларда қатъий белгиланиб, анча чегаралаб кўйилади. Бундай мамлакатлар жумласига Германия, Франция, Аргентина ва бошқалар киради, уларда бухгалтерия ҳисобининг асосий вазифаси давлат бюджетига тушадиган солиқларини ҳисоблаш ва уларнинг ўз вақтида ҳамда тўлиқ тўланишини назорат қилишдан иборат.

Иккинчи гуруҳ мамлакатлари: Буюк Британия, АҚШ ва бошқаларда чекловларни ўзида намоён этувчи умумий қонунларнинг тўплами жисмоний ва юридик шахслар улар доирасида ҳаракат эркинлигига эга бўладиган чегараларни кўрсатади. Бундай мамлакатларда ҳисоб юритиш стандартлари давлат томонидан тартибга солинмайди, балки турли бухгалтерларнинг касбий ташкилотлари томонидан белгиланади. Бу стандартлар анча мослашувчан бўлиб, улар турли иқтисодий-сиёсий ўзгаришлар таъсирида таҳрир қилиб тузатиб борилади.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Иқтисодий ислохотни амалга оширишнинг асосий нуқталаридан бири бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий негизини яратишдан иборатдир. Аввал бошданок биз ўзимиз учун муҳим сабоқ чиқариб олдик – зарур ҳуқуқий омилни шакллантирмасдан туриб, тегишли қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни қабул қилмасдан туриб, ислохотларни амалга оширишнинг ишончли кафолатини, ислохотларни орқага чекинмаслигининг кафолатини амалда яратиб бўлмайди”.<sup>3</sup> Ушбу башоратлар ҳозирги кунда ўзининг долзарблигини яққол номоён қилди.

Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегиясида “Лизинг ва бошқа молиявий хизматларнинг ҳажмини уларнинг янги турларини жорий қилиш ва сифатини ошириш ҳисобига кенгайтириш” масаласининг кўйилиши<sup>4</sup>, шунингдек, мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим

---

<sup>3</sup> И.А.Каримов. [Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида / И. А. Каримов. – Тошкент : Ўзбекистон, 1995. – 269 б.](#)

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармойиши. (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 7-сон, 88-модда)

устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаларида “Халқаро стандартлаштириш ташкилотнинг 21 минг стандартдан атиги 13 фоизи мамлакатимизда жорий этилган”<sup>5</sup> лиги халқаро стандартлар асосида бухгалтерия ҳисоби ва аудитни ташкил этиш ва унинг илмий-назарий ҳамда услубий асосларини ишлаб чиқиш масаласини ўта долзарб эканлигини белгилаб беради.

Мамлакатимизда ҳам кўпчилик ривожланаётган давлатлар қаторида бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш, унинг миллий стандартларини яратиш ва тартибга солиш бўйича қонуний база зарур эди.

Шу зарурият туфайли республикаимизда 1996 йил 30-августда “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Ушбу Қонун бухгалтерия ҳисоби ислохотининг асосий элементи бўлиб, турли мулк шаклидаги барча корхоналар, муассаса ва ташкилотларда ягона тартибда ҳисоб юритишни тартибга соладиган бўлди, миллий бухгалтерия ҳисоби стандартларига талаблар қўйди ва Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби тизимининг асосий тамойилларини белгилаб берди. Бундан ташқари, у бухгалтерия ҳисоби соҳасида ҳуқуқий асосларни, мақсад ва вазифаларни, мажбурият ва бурчларни, шунингдек молиявий ҳисоботни тузиш ва матбуотда эълон қилишдек бухгалтерия ҳисоби олдига қўйилган талабларни белгилайди. Бухгалтерия ҳисобини давлат томонидан тартибга солиш бозор иқтисодиёти шароитида халқаро стандартларга ва умумий қабул қилинган талабларга жавоб берадиган бухгалтерия ҳисоби тизимини шакллантиришга йўналтирилган.

Бухгалтерия ҳисоби тизимини ривожланишининг навбатдаги босқичи халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мос равишда Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларини яратиш бўлди.

Молиявий ҳисобот стандартларига бўлган эҳтиёжни шу нарса тақозо этдики, молиявий ҳисоботни тайёрлашда бухгалтерия маълумотларини нотўғри талқин этиш, бир хил эмаслик ва ноаниқликлар, таваккалчиликларга дуч келди. Олдиндан тузилган стандартлар мажмуаси йўқ бўлганлиги учун, ҳар бир ташкилот ўз стандартларини ишлаб чиқиши керак эди ва молиявий ҳисоботга қизиқувчилар ҳисоботларни ўрганишдан олдин ҳар бир корxonанинг ўзига хос стандартларини ўрганиб чиқишга мажбур бўлар эди. Натижада корхоналар молиявий ҳисоботларни қиёслаш имконияти бўлмас эди. Бундай ҳолатларни минималлаштириш учун бухгалтерия ҳисоби вакиллари умумқабул қилинган ва

---

2. “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик — ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якуналари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. «Халқ сўзи», 2017 йил 16 январь (№ 11 (6705)) сони



хамма жойда фойдаланиладиган молиявий ҳисобот стандартларини ишлаб чиқишга астойдил ҳаракат қилдилар.

Проф.Сотиволдиев А.С. ва Сотиволдиева Д.А.лар ёзадилар: ”Жаҳонда молиявий ҳисобот стандартларини ишлаб чиқиш билан 1973 йил 29-июнда ташкил топган молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўйича комитети (МХХСК) шуғулланади. Бу комитет бухгалтерия ҳисоби стандартларини ишлаб чиқувчи жаҳонда ягона ташкилот бўлиб ҳисобланади”.<sup>6</sup>

Ўзбекистон Республикаси 1998 йилдан бошлаб “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги Қонун”га асосан миллий стандартлар қабул қилина бошлади. Ҳозиргача Ўзбекистон Республикасида 25 та бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари қабул қилинди. Бу стандартларнинг барчаси молия вазирлиги томонидан тасдиқланиб, Адлия Вазирлигида ҳуқуқий экспертизадан ва рўйхатдан ўтказилган.

Ҳар бир стандарт қоидаларининг ўзига хос рўйхати бўлиб, хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисобини юритиш тартибини белгилайдиган ва Ўзбекистон Республикасига бухгалтерия ҳисобини меъёрий тартибга солувчи тизимнинг элементи ҳисобланади.

Бухгалтерия Ҳисобининг Халқаро Стандартлари бўйича Кенгаш ҳозирги пайтда мазкур концептуал асосга ўзгартириш киритиш жараёнидадир. Концептуал асосни ўзгартириш бўйича лойиҳа босқичма-босқич амалга оширилади.

Ҳар битта боб тугалланганидан кейин 1989 йилда чоп этилган Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш бўйича концептуал асоснинг тегишли бандлари алмаштирилади. Концептуал асосни ўзгартириш бўйича лойиҳа ниҳоясига етганидан кейин Кенгаш “Молиявий Ҳисоботнинг Концептуал Асоси” деб номланган тўлиқ, кенг қамровли, ягона ҳужжатга эга бўлади.<sup>7</sup>

Молиявий ҳисоботлар бутун дунёда ташқи фойдаланувчилар учун кўпгина тадбиркорлик субъектлари томонидан тайёрланади ва тақдим қилинади. Бундай молиявий ҳисоботлар турли давлатларда бир-бирига ўхшаш бўлиб туюлса ҳам, улар ўртасида турли ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий шароитлар ҳамда ҳар хил давлатларда миллий талаблар ўрнатилганида молиявий ҳисоботнинг турли фойдаланувчиларининг талаблари ҳисобга олинганлиги сабабли юзага келиши мумкин бўлган фарқлар мавжуддир.

Бундай турли шароитлар молиявий ҳисобот элементларининг турлича таърифлари ишлатилишига олиб келди: масалан активлар, мажбуриятлар, капитал, даромад ва харажатлар. Улар, шунингдек, молиявий ҳисобот

<sup>6</sup> Сотиволдиев А.С.,Сотиволдиева Д. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби тизимининг ривожланиш босқичлари ва истикболлари.-Т.:ТДИУ халқаро конференция материаллари. 2011 й.

<sup>7</sup> Молиявий ҳисоботнинг концептуал асоси. Концептуал асос Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари бўйича Кенгаш томонидан 2010 йил сентябрда чоп этилган. <https://www.mf.uz/uz/component/k2/item/74-mezhdunarodnye-standarty/Myroжаат> қилинган сана: 16-12-2017 йил

моддаларини тан олишда ҳар хил мезонлардан фойдаланиш ҳамда ушбу моддаларни баҳолаш учун ҳар хил асосларни маъқул деб ҳисоблашга сабаб бўлди. Бу эса молиявий ҳисоботни қўллаш доираси ва уларда очиб бериладиган маълумотларга ҳам таъсир кўрсатди.

Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари бўйича Кенгаш молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш билан боғлиқ бўлган қоидалар, бухгалтерия ҳисоби стандартлари ва тартибларини уйғунлаштириш орқали ушбу фарқларни камайтиришни ўз зиммасига олди. У шунга аминдирки, иқтисодий қарорлар қабул қилиш учун фойдали бўлган маълумотни таъминлаб бериш мақсадида тайёрланадиган молиявий ҳисоботларга эътиборни қаратиш орқали, келгусида янада ҳам яхшироқ уйғунлаштиришга эришиш мумкин.

Кенгашнинг фикрича, ушбу мақсадда тайёрланган молиявий ҳисоботлар аксарият фойдаланувчиларнинг умумий талабларига жавоб беради. Чунки деярли барча фойдаланувчилар иқтисодий қарорларни қабул қилади, масалан, қуйидагилар тўғрисидаги қарорларни:

- улушли инвестицияларни қачон сотиб олиш, сақлаб туриш ёки сотиш,
- (раҳбариятнинг масъулияти ёки бошқариш қобилиятини баҳолаш,
- адбиркорлик субъекти томонидан ўз ходимларига бошқа имтиёзларни бериш ва тўлаш қобилиятини баҳолаш,
- тадбиркорлик субъектига берилган қарз маблағлари бўйича таъминотни баҳолаш,
- солиқ сиёсатини аниқлаш,
- фойданинг тақсимланадиган қисмини ва дивидендларни аниқлаш,
- миллий даромад бўйича статистик маълумотларни тайёрлаш ва улардан фойдаланиш,
- тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тартибга солиш.

Шунга қарамасдан, ҳукуматлар ўз мақсадлари учун одатда бошқа ёки қўшимча талабларни белгилаши мумкинлигини Кенгаш тан олади. Аммо, бу талаблар бошқа фойдаланувчиларнинг манфаатини кўзлаб чиқариладиган молиявий ҳисоботларга таъсир қилмаслиги керак; бундан ушбу молиявий ҳисоботлар мазкур фойдаланувчиларнинг талабларига жавоб берадиган ҳолатлар истисно.

Р.Абдурахмоновнинг таъкидлашича: “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари билан бир қаторда АҚШнинг миллий стандартлари асосида тузиладиган молиявий ҳисоботлар ҳам амал қилади (US GAAP). Бу стандартлар маълум маънода халқаро стандартлар сифатида қаралиши мумкин. Бироқ, охириги тўрт йиллик кузатувлар АҚШ биржаларида МҲХС бўйича ҳисобот тузувчи компания ва фирмалар сонининг ортганлигини кўрсатмоқда.

Бундан авваллари US GAAP бўйича молиявий ҳисобот тайёрлаган МДХ давлатларидаги хўжалик субъектлари ҳам мустасно эмас”<sup>8</sup>.

Молиявий ҳисоботлар, аксарият ҳолларда, тикланадиган бошланғич қиймат ва номинал молиявий капитални сақлаб туриш концепциясига асосланган бухгалтерия ҳисоби моделига мувофиқ тайёрланади. Бошқа моделлар ва концепциялар иқтисодий қарорларни қабул қилиш учун фойдали бўлган ахборотни таъминлаш мақсадига эришиш учун муносиброқ бўлиши мумкин, лекин ҳозирги пайтгача бундай ўзгаришларни киритиш учун консенсусга эришилмаган. Мазкур Концептуал асос шундан ишлаб чиқилганки, у бир қатор бухгалтерия ҳисоби моделлари ҳамда капитал ва капитални сақлаб туриш концепцияларига нисбатан қўлланилиши мумкин.

Иқтисодчи олим Б.Жураевнинг эътирофи қилишича: “Ихтисослаштирилган халқаро ташкилотлар томонидан яратилган молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МХХС)нинг аҳамияти бутун дунёда йил сайин ошиб бормоқда. Лекин бухгалтерия ҳисобини халқаро даражада стандартлаштириш жараёни мураккаб ва бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларининг хилма-хиллиги билан боғлиқ қатор муаммоларни ҳал этишни талаб қилади. Улар ҳисоб объектларини турлича баҳолаш, ҳисобот кўрсаткичларини ҳар хил аниқланишини белгилайди. Ҳаттоки у ёки бу объектни ҳисобга олишга ёндашувдаги битта тафовут мазкур объект билан боғлиқ бўлган, бошқа объектлардаги кўрсаткичларнинг фарқ қилишига олиб келади... МХХС (IAS)нинг – Молиявий ҳисоботни тақдим этиш номли халқаро стандартига мувофиқ ҳисоб сиёсати – корхона томонидан молиявий ҳисоботни тузиш ва тақдим этиш учун қабул қилинган аниқ тамойиллар, усуллар, жараёнлар, қоида ва тартиблар деб белгиланган”<sup>9</sup>.

#### **1.4. Бухгалтерия ҳисоби моделлари ва тизимларининг таснифи**

Баҳолаш асосларини ва капитални сақлаб туриш концепциясини танлаш молиявий ҳисоботлар тайёрланишида қўлланиладиган бухгалтерия ҳисоби моделини белгилайди. Турли ҳисоб моделлари ўринлилик ва ишончлиликнинг турли даражаларини кўрсатади, ва бошқа соҳалардаги каби, раҳбарият ўринлилик ва ишончлилик ўртасида мувозанатга эришишга ҳаракат қилиши керак. Мазкур Концептуал асос ҳисоб моделларининг бир қаторига нисбатан қўлланилиши мумкин ҳамда танланган модел асосида тузилган молиявий ҳисоботларни тайёрлаш ва тақдим этиш бўйича кўрсатмалар беради. Ҳозирги

---

<sup>8</sup> Абдурахманов Р.А.. МСФО – основа реформирования национальных систем бухгалтерского учета и отчетности. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон молия-банк тизимининг ривожланиши. Илмий-амалий анжумани мақолалари тўплами. (2016 йил 25 ноябр).-Т.: ТДИУ, 2016. - 684 б.(Б.282)

<sup>9</sup> Б.Жўраев. “Иқтисодийнинг реал сектори самарадорлигини оширишда бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудитни такомиллаштириш масалалари”. Республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. – Т.: ТДИУ, 2015.

вақтда, гиперинфляцион иқтисодиёт валютасида ҳисобот тақдим этадиган тадбиркорлик субъектлари учун каби истисно ҳолатлардан ташқари ҳолларда, Кенгаш муайян ҳисоб моделини тайинлаш нияти йўқдир. Аммо, бу ният жаҳонда содир бўладиган ўзгаришлар сабабли қайта кўриб чиқилади.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, жаҳон мамлакатларида айнан бир хил ҳисоб юритиш тизимларига эга бўлган иккита ҳам мамлакат мавжуд бўлмасада, бироқ, ҳисоб юритиш тизимининг ўхшаш ижтимоий-иқтисодий шароитларига эга бўлган мамлакатлар кўплаб умумий жиҳатларга эга.

Шу муносабат билан бухгалтерия ҳисобининг бир неча моделларини ажратиш мумкин, булар: *британча-америкача, континентал, жанубий америкача, ислом, интернационал*. Қуйида ушбу моделлардан ҳар бирининг асосий белгиларини кўриб чиқамиз.

Британча-америкача моделнинг асосий тамойиллари Буюк Британия, АҚШ ва Голландияда ишлаб чиқилган, шунинг учун уни британча-америкача-голландча модель деб аташади. Бу модель бухгалтерия ҳисобини юритишни қатъий чегараламайди. Унинг асосий мақсади - ҳисоб юритиш амалиётини инвесторлар ва кредиторларнинг ахборотга бўлган талабларини қондиришга йўналтиришдан иборат. Мазкур моделни жорий этган мамлакатларда, одатда, қимматли қоғозлар бозорлари яхши ривожланган бўлиб, аксарият компаниялар уларда молиявий ресурсларнинг қўшимча манбаларига эга бўлади.

Британча-америкача моделга эга мамлакатлар жумласига қуйидагилар киради: Австралия, Багама, Барбадос, Бенин, Бермуда, Ботсвана, Буюк Британия, Венесуэла, Гана, Гонконг, Доминикан Республикаси, Замбия, Зимбабва, Исроил, Ҳиндистон, Индонезия, Ирландия, Кайман ороллари, Канада, Кения, Кипр, Колумбия, Либерия, Малави, Малайзия, Мексика, Нигерия, Нидерландия, Янги Зеландия, Покистон, Панама, Папуа-Янги Гвинея, Пуэрто-Рико, Сингапур, АҚШ, Танзания, Тринидад ва Тобаго, Уганда, Фиджи, Филиппин, Марказий Америка мамлакатлари, ЖАР, Ямайка.

Континентал модель Европа мамлакатларига хос. Бу ерда бизнес асосан компанияларнинг молиявий талабларини қондирувчи банклар, давлат билан узвий боғланган. Ушбу тизимда бухгалтерия ҳисоби қонун ҳужжатлари билан регламентланади ва консервативлиги билан ажралиб туради. Ҳисоб юритиш амалиёти, биринчи навбатда, ҳукуматнинг, айниқса, миллий макроиқтисодий режасига мувофиқ солиқ солиш борасидаги талабларини қондиришга йўналтирилган. Бухгалтерия ҳисобини юритишни кредиторларнинг бошқарув соҳасидаги талабларига мослаштириш устувор вазифа ҳисобланмайди.

Таъкидлаш лозимки, француз тилида сўзлашувчи Африка мамлакатларининг аксарият қисми бухгалтерия ҳисобини мазкур тизимига амал қилади. Континентал моделни қўлловчи мамлакатлар қуйидагилар: Австрия, Жазоир, Ангола, Бельгия, Буркина-Фасо, Фил Суяги Қирғоғи, Гвинея, Греция,

Дания, Миср, Заир, Испания, Италия, Камерун, Люксембург, Мали, Марокко, Норвегия, Португалия, Сенегал, Сьерра-Леоне, Того, Франция, Германия, Швейцария, Швеция, Япония.

Жанубий Америка моделининг асосий фарқловчи белгиси ҳисоб юритишга доир маълумотларни инфляция суръатларига перманент тўғрилашдан иборат. Умуман олганда ҳисоб юритиш давлат режа органларининг эҳтиёжларига йўналтирилган, ҳисоб юритиш методикалари эса унификация қилинган. Солиқ кўрсатмаларининг бажарилишини назорат қилиш учун зарур бўлган ахборот ҳисоб юритиш ва ҳисоботларда яхши акс эттирилади.

Жанубий Америка моделини қуйидаги мамлакатлар томонидан қўлланилади: Аргентина, Боливия, Бразилия, Гайана, Парагвай, Перу, Уругвай, Чили, Эквадор.

Ислом модели илоҳият ғоялари таъсири остида ривожланиб, бир қатор хусусиятларга эга. Хусусан, дивидендларга эга бўлиш учун молиявий дивидендларни олиш таъқиқланади. Компаниялар активлари ва мажбуриятларини баҳолашда бозор нархлари афзал кўрилади.

Интернационал моделни ривожлантиришнинг зарурати, авваламбор, бухгалтерия ҳисобини халқаро валюта бозорлари чет эллик иштирокчиларининг манфаатлари йўлида халқаро талабларга мувофиқлаштиришга бўлган эҳтиёждан келиб чиқади.

Бухгалтерия ҳисоби миллий тизимининг умумий тушунчаси ҳисоб юритиш тизимининг хусусиятларидан келиб чиқиб, қуйидаги бир қатор мезонлар билан аниқлаштирилади:

- ҳисоб юритиш тизимининг тарихий ўрни;
- ҳисоб юритиш ва ишлаб чиқариш захираларини баҳолаш усуллари (харид қилиш қиймати, сотиш ва ўртача чамаланган қиймат, режадаги таннарх, ЛИФО, ФИФО усуллари ва ҳ.к.);
- амортизацияни ҳисоблаш ва уни ҳисобда акс эттиришнинг қўлланилаётган усуллари;
- ҳисобот шакллари ва кўрсаткичлар, уларни тартибга солишлар;
- фирмалар фаолиятини назорат қилишнинг ташқи шакллари.

Таснифлар сони таснифий гуруҳлашга қанақа белги асос қилиб олинганлигига боғлиқ.

Қуйидаги миллий бухгалтерия тизимлари ҳам алоҳида ажратилади:

- Шарқий Европа мамлакатлари – ягона бухгалтерия ҳисоби счётлар режасининг асосан харажатларни камайтиришга, ҳисоб юритиш тизимининг мақсади эса – таннархни пасайтиришга қаратилганлиги билан диққатга сазовордир;

– Европа Ҳамжамияти мамлакатлари – иккита бухгалтерия (умумий ва аналитик), счётлар режасининг тузилиши фойдани аниқлаш ва унинг тақсимотига, ҳисоб юритиш тизимининг мақсади эса – фойдани оширишга йўналтирилган;

– Француз ҳисоб тизимининг хусусияти – икки хил бухгалтерия: счётлар режасининг ишлаб чиқариш ҳисобига ихтисослашгинлиги, бухгалтерия ҳисобининг мақсади эса – даромадни кўпайтиришга мослаштирилганлиги;

Иқтисодий адабиётларнинг таҳлили кейинги пайтда ҳисоб юритишнинг ислом тизимига эътибор қаратилаётганлиги кузатилмоқда, бу Яқин Шарқ мамлакатларида кенг тарқалган. Моделнинг асосий моҳияти диний ғоялар таъсири остида бўлиб, қуйидаги ўзига хос хусусиятларга эга:

- фойда сифатида дивидендлар олиш таъқиқланади;
- компаниянинг активлари ва мажбуриятларини баҳолаш чоғида бозор нархларидан фойдаланилади.

Бундан қарийб ўттиз йиллар аввал мамлакатлар иқтисодий тизимини шакллантиришнинг муҳим омили технологиялар эмас, дунё халқлари маданиятлари ва дастурланган менталитети ҳисобланади, -деятан олинди. Голланд олими Грей Хофстеде IBM компаниясининг 40 та мамлакатдаги 117 000 ходимини анкета сўровидан ўтказиб, биринчилардан бўлиб жаҳон мамлакатларини қуйидаги умумий белгилар асосида ўн та маданий минтақага бўлишни таклиф қилди:<sup>10</sup>

- жамоа фаолиятида яккахонлик ёки жамоавийликнинг нисбати,
- ҳокимият билан коллективизм ўртасидаги узвий боғлиқлик (барча ривожланаётган мамлакатларга хос хусусият ҳокимиятнинг кучли таъсири остида шаклланган коллективизмнинг мавжудлиги),
- ноаниқликка муносабат (кучли ва кучсиз),
- аёллар ва эркеклар орасидаги нисбат, мардлик ва назокат.

Шундан келиб чиққан ҳолда қуйидаги минтақалар ажратилган эди:

- юксак ривожланган роман мамлакатлари (Бельгия, Франция, Аргентина, Бразилия, Испания, Италия);
- суст ривожланган роман мамлакатлари (Колумбия, Эквадор, Мексика, Венесуэла, Коста-Рика, Чили, Гватемала, Панама, Перу, Португалия, Сальвадор, Уругвай);
- юксак ривожланган Осиё мамлакатлари (Япония);
- юксак ривожланган Африка мамлакатлари (Шарқий ва Ғарбий Африка);

---

<sup>10</sup> Анастакисия Городишенина. Классификация культур Г.Хофстеде. [https://vk.com/topic-48654001\\_27632357](https://vk.com/topic-48654001_27632357)

- султ ривожланган Осиё мамлакатлари (Индонезия, Покистон, Тайвань, Ҳиндистон, Малайзия, Филиппин);
- Яқин Шарқ мамлакатлари (араб мамлакатлари, Греция, Эрон, Туркия, Югославия);
- Осиёнинг мустанлака мамлакатлари (Гонконг, Сингапур);
- немис тилида сўзлашувчи мамлакатлар (Австрия, Германия, Швейцария; ушбу минтақага Исроил ҳам киради);
- инглиз тилида сўзлашувчи мамлакатлар (Австралия, Канада, Ирландия, Янги Зеландия, Буюк Британия, АҚШ, ЖАР);
- скандинавия мамлакатлари (Дания, Финляндия, Норвегия, Швеция; ушбу минтақага Нидерландия ҳам киради).

Г.Хофстед томонидан таклиф этилган жамиятни тавсифловчи маданий кадриятлар кейинги тадқиқотлар учун база бўлиб, 1985 йилда С.Ж.Грэй<sup>11</sup> томонидан бухгалтерия ҳисоби субмаданияти умумий белгиларининг аниқланишига олиб келди. С.Ж.Грэй тадқиқ этилаётган мамлакатларда бухгалтерия ҳисобининг тўртта ўзига хос хусусиятини тестдан ўтказишни таклиф қилди:

- профессионализм ёки ҳуқуқий тартибга солиш – ўзини ўзи бошқариш ва ҳуқуқий тартибга солишга қарши бўлган касбий жамиятлар фаолиятини афзал кўради;
- тамойилларнинг узунлиги ёки ўзгарувчанлиги – алоҳида корхоналар атрофидаги муҳит билан боғлиқ ўзгарувчанликка қарши бўлган корхоналар ўртасида бухгалтерия ҳисоби амалиётидаги ўзгарувчанликни сақлаб туришни афзал кўради;
- консерватизм ёки оптимизм – фаолиятдаги эҳтиёткорликка амал қилишни, келгусида фаолиятнинг ишончлилиги, оптимистик ва тўлиқ таваккалчилиги учун ишончсизликни бартараф этишни афзал кўради;
- хушмуомалалик ва очиқлик – очиқ ва умумий ҳисоб-китоблар учун молиявий ахборотни расман талаб қилувчи маъмурият ва ҳукуматнинггина фаолиятига тааллуқли ахборотни ошкор қилишни афзал кўради.

Ушбу ўзига хос хусусиятлар тизимли ёндашувдаги бухгалтерия ҳисобини аниқ таърифлаш имконини беради. Алоҳида мамлакатларнинг умумий белгилари субмаданият сифатида бухгалтерия ҳисоби нормаларининг қонун ҳужжатларида белгиланган ёки назарда тутилган белгилари ва шакллари белгилаб беради.

Н.Г.Вотинованинг ёзишича: “Турли давлатларда бухгалтерия ҳисоби тизимларининг турфа эканлиги сабаб, уларга турлича омиллар таъсир қилишидир. Улар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

<sup>11</sup> Энциклопедия по экономике. <http://economy-ru.info/info/32925/>

– етакчи назариётчи олимлар ва профессионал ташкилотларнинг таъсири;

– ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар (ишлаб чиқаришнинг ривожланиш даражаси, бошқарув, молия тизими, кадрлар тайёрлаш даражаси ва ҳ.к.)

– бухгалтерия ҳисобининг ҳуқуқий тартибга солиниши;

– миллий хусусиятлар;

– молиялаштириш манбалари;

– фойдаланувчилар ва уларнинг ўз олдиларга қўйган мақсадлари;

– инфляцион жараёнларнинг таъсири.<sup>12</sup>

Ҳисоб юритиш амалиётининг барқарорлиги нуқтаи назаридан мамлакатларнинг алоҳида гуруҳлари қуйидагилар билан тавсифланувчи тўртта минтақага бирлаштирилган:

– ҳуқуқий тартибга солиш ва бухгалтерия ҳисоби тамойилларининг узунлиги;

– етарлича ҳуқуқий тартибга солинмаслик ва бухгалтерия ҳисоби тамойилларининг узунлиги;

– етарлича ҳуқуқий тартибга солинмаслик ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан фойдаланиладиган бухгалтерия ҳисоби тамойилларининг мослашувчанлиги;

– ҳуқуқий тартибга солиш ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан қўлланиладиган бухгалтерия ҳисоби тамойилларининг мослашувчанлиги.

1992 йилда бўлиб ўтган Европа Ҳисобчилик Конгрессида Грэй ҳисобчилик тизимини ахборот ҳажми ва уни ошкор қилиш соҳаси асосида таснифлаш усулини тақдим этди. У қўллаган ёндашувларга кўра бухгалтерия ҳисоби миллий тизимини дискрет-консерватив ва оптимистик очик тизимларга бўлиш мумкин.

Польшалик олим Дитер Кортум бухгалтерия ҳисобининг учта катта моделини ажратади: инглиз-саксония, немис ва лотин (1-жадвал).

Иқтисодчи олимлар Мюллер Г., Гернон Х., Миик Г.лар бухгалтерия ҳисоби моделларини тўртта қисмга ажратдилар:

– англо-америка модели;

– ғарбий европа модели;

– жанубий америка модели;

– интернационал модель.<sup>13</sup>

---

<sup>12</sup> Вотинова Н.Г. Основные модели бухгалтерского учета в зарубежных странах.-Арх-к: изд-во АГТУ, 2009, с.4



Ҳисоб юритишнинг талқини ҳамда ҳисоб юритиш ва ҳисоботлар миллий тизимларининг хилма-хиллигидан келиб чиқиб, ҳисоб юритишни талқин этишнинг мавжуд ҳисоб юритиш ва ҳисоботлар тизимларини изоҳлаши мумкин бўлган тўртта асосий варианти ажратилади: макроиқтисодий, микроиқтисодий, мустақил, бир хил. Мавжуд тизимларнинг ҳеч бири ҳисоб юритишнинг қандайдир бир вариантига мувофиқ ривожланмаслигига қарамай, макроиқтисодий талқин айниқса Швецияда аниқ намоён бўлади; микроиқтисодий талқин Нидерландиянинг бир неча кўп миллатли корпорацияларида ўз аксини топади; америка ва британия модели ҳисоб юритишни талқин этишга нисбатан мустақил ёндашувни акс эттиради; француз ва немис ҳисоб юритиш тизимлари ягона ёндашувга мисол бўлиб хизмат қилади.

### 1.1-жадвал

#### Бухгалтерия ҳисоби тизимлари моделларининг таснифи

Ҳисоб юритиш модели	Қисқача таърифи
Инглиз-саксония	Инглиз-саксония модели, биринчи галда, шуниси билан маълумки, у акциядорларнинг талабларини қондиради. Шунинг учун молиявий ҳисоботлар ушбу фойдаланувчилар гуруҳи иқтисодий қарорлар қабул қилишда имкон қадар кўпроқ фойда олиши мумкин бўладиган қилиб тузилган. Бошқа тамойилларга нисбатан юқори тамойил сифатида иштирок этувчи ишончлилик тамойили бухгалтерия ҳисобининг ушбу моделида устунлик қилувчи асосий тамойил ҳисобланади, бу бухгалтерия ҳисоби инглиз-саксония тизимини лотин тизимидан тамойилиал жиҳатдан ажратиб туради
Немис	Ҳисоб юритишнинг немис модели шу билан тавсифланадики, у, авваламбор, кредиторнинг манфаатларига ва унинг эътирозларига йўналтирилган. Шунинг учун бундай мамлакатларда эҳтиёткорлик билан баҳолаш тамойили устунлик қилади. Немис моделида ҳисоботлар солиқ тизимига боғлиқ. Бу ерда аниқлик қоидаси бир мунча бошқача амал қилади, бунинг натижасида фойда солиғининг камайишига олиб келувчи кўп сонли турли омиллар пайдо бўлади. Мазкур тизимда дегрессив усул билан амортизация ажратмалари ва режадан ташқари ажратмаларга рухсат этилади. Баҳолашнинг эҳтиёткорлик тамойили асосида ўз захиралари яратилади. Немис моделига кирувчи мамлакатнинг захираларини баҳолаш учун кўпроқ ЛИФО усули қўлланилади. Ушбу модел мамлакатлари яширинча захираларни яратишга ихтисослашган
Лотин	Бухгалтерия ҳисобининг лотин модели Франция, Италия, Испаниянида қўлланилиб, маълумотларни ҳисоботларда акс эттиришда

<sup>13</sup> Мюллер Г., Гернон Х., Миик Г. Учет: международная перспектива. М.: Финансы и статистика, 1996.

	<p>ва бухгалтерия ҳисоби тамойилларидан фойдаланишда марказий йўл билан тафсифланади. Ҳукукий нормалар мутлақ Абсолютное устунликка эга.</p> <p>Солиқнинг таъсири бухгалтерия ҳисобидан чиқариб ташланган. Балансни тузишда ва баҳолашда счётлар ягона миллий тизимидн фойдаланиш катта роль ўйнайди</p>
--	--

1. АҚШ, Канада, Нидерландия.
2. Британия Ҳамдўстлиги мамлакатлари, Канададан ташқари.
3. Германия, Япония.
4. Континентал Европа мамлакатлари, Германия, Нидерландия ва Скандинавия мамлакатларидан ташқари.
5. Скандинавия мамлакатлари.
6. Исроил ва Мексика.
7. Жанубий Америка мамлакатлари.
8. Яқин ва Узоқ Шарқнинг ривожланаётган мамлакатлари.
9. Африка мамлакатлари, Жанубий Америка мамлакатларидан ташқари.
10. Собиқ коммунистик тузумдан кейинги блок мамлакатлари.

«Бош мамлакатлар» ҳисоб юритиш тизимига «таъсир этиш соҳаларига» кўра учта соҳа ажратилади:

1. Австралия ва Ҳиндистонда ҳисоб юритишнинг ривожланишига таъсир кўрсатувчи Британия модели.
2. Мексика ва Лотин Америкасининг бир қатор мамлакатларида, шунингдек Исроил ва Японияда кенг тарқалган Америка модели.
3. Жанубий Европада, Ўрта ер денгизи ҳудудларида ва тижорат соҳасидаги қонун ҳужжатлари Наполеон Кодекси намунаси бўйича тузилган Жанубий Америка мамлакатларида мавжуд бўлган француз модели.

Америка бухгалтерлар уюшмаси саккизта таснифий белгини ажратади: сиёсий ва иқтисодий тизимлар, иқтисодий ривожланиш даражаси, **МОЛИЯВИЙ ҳисоботлар** мақсадлари, ҳисоб юритиш стандартлари муалифлиги, касбга тайёрлаш ва сертификатлаш тамойиллари ва касбий тайёргарлик даражаси, касбий ва этик стандартларнинг бажарилишини назорат қилиш тизими, ҳисоб юритишга доир ахборот фойдаланувчилари.

Тадқиқотчиларнинг катта қисми томонидан таъкидланишича, мамлакатларни уларнинг ҳисоб юритиш тизимларига мувофиқ таснифлаш доимий хусусиятга эга эмас, уларнинг таъсир этиш соҳалари эса барқарор ва ўзаро туташган соҳалар сифатида кўриб чиқилиши мумкин.

Америка аудиторлар уюшмасининг Халқаро бухгалтерия стандартлари ва бухгалтерия тузилмаси кўмитаси бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботлар тизимларини мамлакатлаги минтақалар сонига асосланган таснифлашни таклиф қилди. Шунингдек, таъсир этишнинг бешта зонаси асосида таснифлаш

субъектив схемаси ҳам таклиф этилди: британия, француз-испан-португал, немис-голланд, америка, коммунистик.

Амалиётда ҳар бир мамлакат бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботлар тизимини яратишда қайсидир маънода қонун ҳужжатларига таянади. Мамлакатлар ўртасида стандартларни белгилашга хусусий сектор вакиллари жалб қилиш борасида катта фарқлар мавжуд. Ҳатто агар Компаниялар бухгалтерия ҳисоботларига тааллуқли кўрсатмаларнинг 4-нашридан кейин бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботлар тизимларини маълум даражада уйғунлаштиришга эришган Европа ҳамжамияти мамлакатларини таққослайдиган бўлсак ҳам бухгалтерия йўли билан тартибга солишнинг умумий даражаси турлича бўлиши мумкин. Лекин, Буюк Британия, Франция ва Германияда бўлгани каби бухгалтерия ишининг қарама-қарши анъаналарига ҳам мисоллар учраб туради. Масалан:

– инглиз умумий ҳуқуқ тизими ҳамда деталларни ёритишга катта эътибор қаратиладиган континентал юриспруденцияни белгилаб берувчи фуқаролик кодекслари тизими ўртасидаги кескин фарқ;

– унда фаолиятни назорат қилиш банклар, ҳукумат ва оилалар томонидан амалга ошириладиган турли молиявий тизимлар (бу Франция ва Германияда намоён бўлади). Буюк Британиянинг маълумотларни “адолатли” тақдим этишга интилишини шу билан изоҳлаш мумкин;

– Франция ҳамда Германия бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботлари тизимини ишлаб чиқишда биринчи навбатда солиқ қонунларидан келиб чиқади.

ЕИ мамлакатлари бухгалтерия ҳисобидаги катта фарқлардан бири шундан иборатки, унда бухгалтерия ҳисоби тизимининг қонунчилик хусусияти мавжуд ёки мавжуд эмас, бу маълум маънода ушбу тизимнинг консерватизми даражасини белгилаб беради. Биринчи ҳолатда ҳисоб юритиш тартиб-таомиллари етарли даражада деталлаштирилиб, тартибга солинган. Иккинчи ҳолатда эса ҳисоб юритиш иқтисодий сиёсатнинг ўзгариши билан боғлиқ янги тартибларга нисбатан осон мослашади.

Иккинчи туб фарқ – бухгалтерия ҳисобининг жамиятдаги роли. Нидерландия, Буюк Британия ва Ирландияда ҳисоб юритиш инвесторлар ва кредиторларни бошқарув қарорларини қабул қилиш учун зарур бўлган ахборот билан таъминлашга йўналтирилган. Ҳисоб юритишнинг асосий вазифаларидан бири бошқарув ходимлари ишининг самарадорлигини тавсифловчи рентабеллик кўрсаткичларини ҳисоблашдан иборат. Германия, Люксембург ва Бельгияда ҳисоб юритиш биринчи галда банклар манфаатларини ҳимоя қилишга мўлжалланган. Францияда ҳисоб юритишнинг давлат органларини ахборот билан таъминлашга йўналтирилган ягона унификацияланган тизими қўлланилади.

Чет мамлакатларда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш масаласини кўриб чиқишда ҳисоб юритишнинг иккита модели устунлик қилади:

– Америка, Англия, Япония, Канада ва Голландиянинг аксарият корхоналари амалиётида қўлланиладиган ва, муболағасиз, жаҳонда устунлик қилувчи инглиз-америка модели;

– Европада кенг тарқалган француз модели (олимлар уни француз-немис модели деб аташади).

Айрим чет эллик экспертлар иккита устунлик қилувчи моделни ўзида бирлаштирган «аралаш» моделни ажратишади.

Бухгалтерия ҳисоби тизимлари таснифининг хилма-хиллиги бугунги кунда долзарб масала ҳисобланган ҳисоб юритишни уйғунлаштириш муаммосини келтириб чиқаради.

Бу, биринчи галда, халқаро хўжалик ва молиявий алоқаларнинг фаол ривожланиши, фаолиятнинг кредитланиши ва унга инвестиция киритилиши билан боғлиқ. Иқтисодиётни, шу жумладан бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилиш йўлида турган Украина, Россия ва Беларусь Республикаси ҳам бундан мустасно эмас. Аввалги ҳисоб юритиш тизими буйруқбозлик иқтисодиёти, ягона фойдаланувчи – давлатнинг талабларига хизмат кўрсатишга мўлжалланган эди. Бугунги кунда вазият тубдан ўзгарди ва биз йигирма йилдан ортиқ вақт давомида мустақил йўлдан бораётганимизга қарамай, бу ҳол анча оғриқли кечмоқда ва у яна бир неча йиллар мобайнида илмий ходимлар ва амалиётчилар муҳокамасининг мавзуси бўлади.

Бироқ ҳисоб юритиш тизимини қайта қуриш йўлида барча муаммоларни ҳал этиш учун бутун ўтмишни рад этиш ва Ғарб мамлакатларида юзага келган ҳисоб юритиш тизимидан нусха кўчириш даркор. Ҳозирги вақтда жаҳоннинг ҳеч бир мамлакати тўлиқ яққалатиб қўйилган ҳолатда ривожлана олмайди.

### **1.5. Ўзбекистон Республикаси ва ривожланган мамлакатларда ҳисоб тизими, унинг таркибий тузилиши ва ҳисоб турлари.**

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида давлат дастурига кирган устувор вазифалар ва уларни амалга оширишнинг иқтисодий масалаларни ечишда бухгалтерия ҳисобининг ўрни ва аҳамияти каттадир.

Бухгалтерия ҳисоби барча иқтисодий фанлар учун ҳам манба ҳисобланади. Айниқса, иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида барча маъмурий- бошқарув ходимлари ва ишчи-хизматчилари иқтисодий тушунча ҳамда жараёнлар тўғрисида маълумотга эга бўлиши керак. Бундай иқтисодий тушунча ҳамда жараёнлар мазмуни «Бухгалтерия ҳисоби» фанида кўриб ўтиладиган усул ва тамойиллар орқали ифодаланади.

Бухгалтерия ҳисоби фани аниқ, қизиқарли, тортишувли ва муаммоли фанлардан бири ҳисобланади. Тарихий маълумотларга кўра бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш ва такомиллаштириш борасида тўртта йирик давлат: италян, француз, немис ва англия-америка мактаблари мавжуддир.

Бухгалтерлар ахборот берувчилардир, яъни бухгалтерия - акциядорлар ва бошқарувчилар каби фойдаланувчиларга бизнесни молиявий ҳолатини санъат даражасида етказиб беришдир. Маълумотлар умумий молиявий ҳисоботлар шаклида бўлиб, бошқарув назоратида иқтисодий ресурсларни рақамларда кўрсатади.<sup>14</sup>

Бухгалтерия ҳисобининг ташкилий жиҳатлари борасида бу мактабларнинг қарашлари бир- бирига ўхшамайди. Уларнинг таълимотларига кўра бухгалтерия ҳисоби фанининг асоси ҳам ҳар хил талқин қилинади. Масалан, италян мактаби вакиллари бухгалтерия ҳисоби фанининг асосини альгебра ва ҳуқуқ, француз мактаби вакиллари сиёсий иқтисод, немис мактаби вакиллари математика, англия-америка мактаби вакиллари психология деб қарайдилар. Шу сабабли бухгалтерия ҳисоби фанининг вазифаси, предмети, объекти, усул ва услубиёти, тамойиллари ҳамда таркибий тузилиши борасидаги уларнинг қарашлари турличадир.

Ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўз фаолиятининг фойдалилик даражасини доимо таҳлил қилишга ва амалга оширилаётган жараёнларнинг ҳисобини тўғри ташкил қилишлари зарур. Бу шароитда, бухгалтерия ҳисоби ва таҳлилнинг аҳамияти катта бўлиб, улардан янада унумли фойдаланиш зарурияти ортиб боради. Чунки, айнан шу соҳалар иқтисодиёт субъектларининг айтиб ўтилган талабларнинг бажарилишида муҳим ўринни эгаллайди.

Иқтисодиётимиздаги ҳисоб турлари асосан қуйидаги функцияларни бажаради:

– иқтисодиёт тармоқлари корхона ва ташкилотларда содир бўлаётган хўжалик жараёнларини кузатиб бориш;

– кузатиш орқали олинган маълумотларни миқдорий кўрсатмаларда ифодалаш;

– корхона, ташкилот, муассаса хўжалик фаолиятларини кузатиш натижаларини махсус ҳужжатларда қайд этиш;

– махсус ҳужжатларда акс эттирилган маълумотларни умумлаштириш ва гуруҳлаштириш, хўжалик жараёнлари устидан назорат ўрнатиш ва уларга таъсир этиш.

Юқорида айтилганларга асосланиб, бухгалтерия ҳисобининг вазифаларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- асосий фондлар, товар-моддий бойликлар, пул маблағларининг келиб тушиши ва уларнинг ҳаракатини тўла ва ўз вақтида акс эттирилишини таъминлаш;

- махсулот ишлаб чиқариш, уларни сотиш, меҳнат унумдорлиги, фойда, рентабеллик, меҳнат хаки фонди, капитал сарфлар, бюджет ва бошқа ташкилотлар билан ҳисоблашиш ва бошқа курсаткичлар буйича режанинг бажарилишини аниқ акс эттириш, кузатиш ва уларнинг натижаларини топиш;

- субъектнинг ва унинг айрим булимларидаги ишлаб чиқариш, қурилиш-монтаж ва бошқа ишлар билан боғлиқ харажатларни тула акс эттириш, назорат

---

<sup>14</sup> Barry Elliot, Jamie Elliot. Financial accounting and reporting. (ISBN 978-1-292-08057-4) London, 2015. 17 th Edition. 3 p.

килиш ҳамда ишлаб чиқарилган маҳсулот, бажарилган иш ва хизматларнинг иктисодий жихатдан асосланган ҳисобот калькуляциясини тузиш;

- субъект ва унинг айрим булимларининг раҳбарларини молиявий-хўжалик фаолиятининг барча булинмаларига доир тула ва аниқ иктисодий ахборот билан тезликда таъминлаб туриш;

- таъсисчилар, акциядорлар, сармоя эгалари, юқори ташкилот, молия, солиқ, статистика ва бошқа бухгалтерия ҳисоботи маълумотларидан фойдаланувчи ташкилот ва шахсларга уз вақтида топшириш учун аниқ ҳисоботларни яратиш;

- бошқарув қарорларини иктисодий жихатдан асослаб бериш учун умумлаштирилган ахборотнинг тартиблаштирилган оқимини таъминлаш;

- тула хўжалик ҳисобини субъект микёсида ҳамда унинг айрим ишлаб чиқариш булинмалари ва бригадаларида жорий этиш ва мустаҳкамлаш;

- субъектнинг маблағларидан тула ва унумли фойдаланиш, ундаги мулкларнинг бутлигини таъминлаш, иктисодий тежаш тартибига риоя қилиш, субъект жамоасининг ижтимоий-иктисодий ривожланишини жадаллаштириш устидан назорат юритиш учун тегишли ахборотлар билан таъминлаш.

Мамлакатимизнинг субъектларида бухгалтерия ҳисоби 1996 йил 30 - августда Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан тасдиқланган "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига асосланиб ташкил этилади.

Бу Қонунга кўра Республикаимизнинг субъектларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини тартибга солиш, бухгалтерия ҳисобининг стандартларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш Республика Молия вазирлиги томонидан амалга оширилади. Бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби эса меъёрий ҳужжатларда келтирилган тегишли қоидаларига асосланади. Шу жумладан кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун бухгалтерия ҳисобини соддалаштириб юритиш стандарти ҳам, бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари билан белгиланади.

Умуман олганда, ривожланган мамлакатларда ҳозирги пайтда бухгалтерия ҳисобининг 20 дан ортиқ тамойиллари мавжуд.

Маълумки, режали-маъмурий иктисодиёт шароитида бухгалтерия ҳисобининг асосий вазифаси юқорида турувчи вазирликлар, идоралар, статистика ва солиқ органлари каби давлат бошқарув органлари учун ахборотларни йиғиш ва ишлашдан иборат эди. Қорхона фаолияти тугрисидаги энг муҳим масалалар, жумладан, режалаштириш, нарх-наволарни белгилаш, мол сотиб олиш ва уларни истеъмолчиларга етказиб бериш, қорхона ходимларининг белгилаш ва бошқа шу каби масалалар юқорида турувчи давлат органлари томонидан ҳал қилинар эди. Қорхоналар давлат мулкчилигини бошқаришнинг алоҳида бир босқичи сифатида қаралар, бухгалтерия ҳисоби эса мулкнинг бут сакланиши тугрисидаги ахборот билан таъминлар эди.

Давлат ягона мулк эгаси ва қорхонанинг инвестори булиб ҳисобланар эди. Бундай шароитда қорхонанинг ҳисоботи давлат топшириқларини бажариш, давлат бюджетига қилинадиган ажратмаларнинг тугрилигини текшириш ва статистика ахборотларни йиғиш воситаси булиб хизмат қилар эди. Шунинг

учун бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи олдига куйиладиган асосий вазифалар куйидагилардан иборат эди:

- катъий бирхиллик (унификацияланганлик);
- ишлаб чиқариш топширикларининг бажарилишини акс эттирадиган курсаткичларга мулжал килиш;
- солиқ солиш базасини ва бюджетга бошка ажратмаларни ҳисоблаш ;

Субъектларнинг фаолияти бозор иктисодиётида олдингига караганда анча фарқ килади. Бу фарқлар куйидагилар билан боғлиқ:

1) Бозор иктисодиёти шароитида мулкчиликнинг таркиби узгариб, давлат мулкчилиги жамиятдаги мулкчиликнинг факат бир турига айланади, субъект фаолиятидан манфаатдор булган куплаб янги мулкчилик юзага келади, чунки улар бу субъектга уз маблагларини куядилар.

2) Субъектлар ракобатчиликда енгиб чиқиш ва самарали молиявий натижалар берадиган қарорларни қабул килишга ҳаракат киладилар ва шу мақсадда бозор конъюктурасини урганадилар, уз фаолиятини мустақил режалаштирадилар, мол етказиб берувчи ва харидорларни топадилар, нарх-наволарни мустақил белгилайдилар ва хоказо.

3) Бюджетдан молиялаш ва давлат кредитларини олишдан ташқари эндиликда субъектлар факат харидорлар ва товарларни сотиш бозорлари учун ракобатчилик курашида катнашибгина қолмай, ундан ташқари, тижорат банкларининг кредит ресурслари ҳамда потенциал инвесторларнинг шундай маблаглари учун ракобатчилик курашини олиб борадилар.

Шундай қилиб, бухгалтерия ҳисоби бозор иктисодиётига утиш муносабати билан ҳисобчилик ва статистика функцияларини бажарувчи воситасидан субъектларнинг фаолияти тугрисидаги ахборотни йиғиш, ишлаш ва топшириш куралига айланади. Бу ахборотдан манфаатдор томонлар уз ихтиёридаги вақтинча ортикча маблагларни самаралироқ инвестиция килиш тугрисидаги асосланган қарорлар қабул килиш учун фойдаланадилар.

Бозор иктисодиёти ривожланган мамлакатларда бухгалтерия ҳисобини бизнес тили деб аташади. Уни урганиш ҳар қандай тилни урганишга жуда ухшаб кетади ва бухгалтерия ҳисобида ишлатиладиган купчилик сузлар ҳаётда кулланиладиган худди шундай сузларга караганда бошқача маънога эга булганлиги сабабли уни урганиш бироз қийинроқ туюлади.

Ҳар қандай тил ҳам бухгалтерия ҳисобидек, жамиятнинг узгариб бораётган эҳтиёжига жавобан ривожланиб ва узгариб боради. Бухгалтерия ҳисобида кулланиб келинаётган қоидалар ҳам ёки уларнинг бир қисми жамиятнинг ўзгариб бораётган эҳтиёжларга қараб ўзгартирилиши мумкин.

Бундай ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатларнинг яратилиши ҳамда ишлаб чиқилиши республикамизда ҳисоб сиёсатини олиб бориш учун асос бўлади. Республикамизда ҳисоб сиёсатини олиб боришдан асосий мақсад жаҳон амалиёти ва бозор муносабатлари талабларига мос келувчи ҳамда халқаро стандартлар асосида бухгалтерия ҳисоби тизимининг ривожлантириш концепциясини яратишдир.

Ҳисобнинг пайдо бўлиши бевосита кишилик жамиятининг вужудга келиши билан боғлиқ. Тарихий маълумотларга кўра, ибтидоий жамоа тузуми даврида ҳисобдан фойдаланишган. қабила бошлиғи ўз қабиласини сақлаб

қолиш учун қайси фасл қачон келади, қабиласида қанча одам бор, улар учун қанча озиқ-овқат тўплаш керак каби ҳисоб-китобларни амалга оширган. Дастлаб ҳисоб қуроллари сифатида қўл бармоқларидан фойдаланилган (баъзи ҳолларда бу одатдан ҳозир ҳам фойдаланамиз). Ҳозирда ҳам жамиятнинг бир бўлаги ҳисобланган ҳар бир оиланинг ўз ҳисоб-китоби бор. Қайси оилада ҳисоб-китоб яхши йўлга қўйилган бўлса, ўша оиланинг турмуш шароити яхши. Бундан кўриниб турибдики, ҳисоб инсонларнинг ҳаётининг борлиги ва ҳамкоридир.

Хўжалик ҳисоби уч турининг ўзаро боғлиқлиги ягона дастлабки ҳужжатлаштиришдан фойдаланиш билан таъминланади. Ягона дастлабки ҳужжатлаштириш деганда ҳисобнинг барча турларидаги операцияларни акс эттириш учун бир турдаги маълумотлардан ва бир турдаги ҳужжатлардан фойдаланиш тушунилади. Бундай амал ҳисоб кўрсаткичларидаги қарама-қаршилиқларни бар-тараф қилади ва ҳисобдаги параллеллик билан ишлашни юзага келтиради.


Менежерлар назоратидаги ресурс маблағлар ҳисоби ҳақидаги маълумотни даврий тарзда беришларини талаб қилади. Бухгалтерия томонидан ҳисоблаб чиқарилган натижалар бизнеснинг иқтисодий ресурсини ҳисобот давомида юқорига кўтарилган ёки тугаганини кўрсатади.<sup>15</sup>

Хўжалик ҳисобининг ҳар хил турлари ва унинг бутун тизими узлуксиз ривожланиб боради. Дастлабки маълумотларни йиғиш, техникаси, ишлаш услублари яхшиланиб бормоқда.

Шуни таъкидлаш лозимки, халқаро стандартларига жавоб берадиган ва бозор иқтисодиёти хусусиятларига мос келадиган ҳисобнинг янги тизимини ишлаб чиқишда, олимлар ва амалиётчилар ривожланган бозор иқтисодиётидаги мамлакатларда бу соҳада яратилган нарсаларга кўр-кўрона ёндошаётганлари йўқ. Лекин хориж мамлакатларининг амалиётини ўрганиш, уларни чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилиш Ўзбекистон Республикасида хўжалик ҳисобини такомиллаштириш имкониятини беради.

Жамиятнинг ривожланиб бориши билан ҳисоб тизими ҳам такомиллашиб, фан сифатида юзага кела бошлаган. Ҳозирги кунга келиб, ҳисобнинг уч туридан жойдаланилади:

1. Оператив (Тезкор) ҳисоб.
2. Статистик ҳисоб.
3. Бухгалтерия ҳисоби.



<sup>15</sup> Barry Elliot, Jamie Elliot. Financial accounting and reporting. (ISBN 978-1-292-08057-4) London, 2015. 17 th Edition. 3 p.



## 1-чизма. Ўзбекистон Республикасининг ҳисоб тизими.

Юқорида кетирилган чизмадан кўриниб турибдики, санаб ўтилган ҳисоб турларининг бирлиги Ўзбекистон Республикасининг ҳисоб тизимини ташкил қилади. Лекин улар вазифалари, ташкил қилишнинг усул-услубиёти каби белгилари билан бир-биридан фарқ ҳам қилади.

**Бухгалтерия ҳисоби** — ички бошқариш ва ташқи истеъмолчиларнинг мақсадлари учун жорий ва якуний ахборотни олиш билан корхоналар, ташкилотлар ҳамда муассасаларнинг хўжалик фаолияти устидан узлуксиз ва ўзаро боғлиқ бўлган кузатиш ва назорат қилиш тизимидан иборат.

Бошқарувчилар ички фойдаланувчиларга киради. Улар ҳозирги натижаларни молиявий ҳисоботини тўлалигича билишларига имконияти бор.

Ички фойдаланувчиларга мисол сифатида компанияда директорлар ва менежерлар киради. Қонунан ички фойдаланувчига маълумот олиш хажми чегаралмаган.<sup>16</sup>

## **2-мавзу: Молиявий ҳисоб ва ҳисоботни ташкил этишда халқаро стандартлардан фойдаланиш.**

### **Режа:**

- 2.1. Молиявий ҳисобот халқаро стандартларининг асосий мазмуни ва унинг бухгалтерларни тайёрлаш тизимидаги ўрни.
- 2.2. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларининг яратилиш тарихи.
- 2.3. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўйича кўмита(МҲХСК)нинг мақсади ва унинг тавсифи.
- 2.4. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва фойдаланиш имкониятлари.
- 2.5. Молиявий ҳисоботни тайёрлашнинг концептуал асослари.

**Таянч иборалар.** *Пул муомалалари сиёсати, пул маблағлари, ҳисобнинг вазифалари, касса муомалалари ҳисоби, ҳисоб-китоб ва валюта счёти, аккредитив, махсус счёт, ФИФО, ЛИФО, АВЕКО, иш ҳақи шакллари, инвестиция, дебитор, кредитор, калькуляция, капитал, фойда, зарар, мажбуриятлар.*

### **2.1. Молиявий ҳисобот халқаро стандартларининг асосий мазмуни ва унинг бухгалтерларни тайёрлаш тизимидаги ўрни.**

Мамлакатимизнинг ривожлантириш, янгилаш ва модернизация қилиш бўйича танлаган стратегия ва Инкирозга қарши қабул қилган дастурни амалга ошириш натижасида юртимиз дунёдаги санокли давлатлар қаторида иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг барқарор суръатларини таъминлаш, аҳолимизнинг моддий фаровонлигини юксалтиришга эришгани барчамизга катта мамнуният ва ифтихор бағишлайди, албатта.

<sup>16</sup> Barry Elliot, Jamie Elliot. Financial accounting and reporting. London, 2015. 17 th Edition. 4-5 p.

Нима учун бизга молиявий ҳисобот стандартлари керак? Стандартлар кераклигининг сабаби, бухгалтерия ҳисоботларини бир хил тизимда шакллантиришдир.<sup>17</sup>

Республикамизда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш ҳамда бозор муносабатларининг ривожланишида малакали бухгалтер, аудитор мутахассисларини тайёрлашга зарурат катта.

“Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари”га ўтиш эса бугунги кунда республикамизда бухгалтерия ҳисоби тизимини халқаро стандартлар асосида ташкил этиш заруратини тақозо этади.

“Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари”нинг мақсади ва вазифаси халқаро ҳисоб тизимида мустакил ишлашга тайёрлашдан иборат.

“Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари”– молиявий ҳисоботни тақдим этиш, заҳиралар, суғурта шартномалари, пул маблағларини силжиши, ҳисоб сиёсати, ҳисоб баҳоларини ўзгартириш ва хатолар, мувозанат тузилгандан кейинги ҳодисалар, қурилиш шартномалари, фойда солиғи, сегмент ҳисобот, асосий воситалар, ижара, ишчиларга ҳақлар, давлат субсидияларининг ҳисоби ва давлат ёрдами ҳақида маълумот, валюта курси ўзгаришининг таъсири, бизнесни бирлаштириш, қарзлар бўйича харажатлар, нафақа таъминоти дастурлари бўйича ҳисоб ва ҳисобот, боғлиқ томонлар ҳақида маълумотларни ёритиш, жамлама ва алоҳида молиявий ҳисоботни тузиш, ассоциацияланган корхоналарга инвестициялар, кўшма фаолиятда иштирок этиш, молиявий инструментлар, бир акцияга тўғри келувчи фойда, оралик молиявий ҳисобот, сотишга мўлжалланган узоқ муддатли активлар, активларни кадрсизланиши, баҳоланган мажбуриятлар, шартли мажбурият ва активлар, номоддий активлар, инвестициявий кўчмас мулк кабиларни ўз ичига олади ҳамда шу асосида молиявий ҳисоботларни тайёрлаш зарурат айланмоқда.

## **2.2. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларининг яратилиш тарихи.**

Бухгалтерия ҳисоби предметининг асосий мазмуни корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг хўжалик фаолиятини амалга оширишда фойдаланадиган ресурсларни самарали бошқариш учун зарур бўлган ахборотни шакллантиришдан иборат. Шу маблағларнинг сарфланиши, ишлаб чиқариш ҳажми ва фаолият натижаларини рационал ҳамда тўғри бошқариш ҳозирги вақтда муҳим аҳамият касб этади.

Бухгалтерия ҳисобининг предмети - ишлаб чиқариш жараёнидаги корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг самарали бошқарилишида маблағлар ҳолати ҳамда улардан унумли фойдаланиш ҳақидаги ахборотларни шакллантириш ҳисобланади.

Бухгалтерия ҳисобининг предметини ўрганишда, унинг тарихий характерини ҳисобга олиш керак. Чунки бухгалтерия ҳисоби предметнинг мазмуни ҳар хил иқтисодий тузумларда бир хил бўлмаган. Уларнинг ўзгариши бир тузумдан бошқасига ўтиш пайтида, мулкчилик шакллариининг ривожланиши билан белгиланиб борилган.

---

<sup>17</sup> Barry Elliot, Jamie Elliot. Financial accounting and reporting. London, 2015. 17 th Edition. 101 p.

Бошланғич жамоа тузумида ҳисобнинг предмети сифатида умумий мулкчилик ташкил қилган маблағлар ва шу маблағлардан фойдаланишга доир операциялар қаралган. Ушбу мулкчилик жамиятида феодалларнинг ишлаб чиқариш воситаларига ва қулларга бўлган эгаллиги ҳисобнинг предмети бўлган.<sup>18</sup>

Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонуннинг учинчи моддасига биноан, бухгалтерия ҳисобининг субъектлари бўлиб, Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган юридик шахслар, уларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳамда ундан ташқарисида жойлашган шўъба корхоналари, филиаллари, ваколатхоналари ва бошқа таркибий бўлинмалари ҳисобланади.

Юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда бухгалтерия ҳисобини юритади ва бухгалтерия (молия) ҳисоботини тақдим этади. Кичик корхоналар бухгалтерия ҳисобини соддалаштирилган тартибда юритадилар (бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти №20 «Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан соддалаштирилган бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботни тузиш тартиби тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 23 ноябр 1999 йил 87-рақам билан рўйхатга олинган) ва соддалаштирилган солиққа тортиш тизимида ўтишлари мумкин

Асосий ва жорий активлар, мажбуриятлар, хусусий капитал, захиралар, даромадлар ва харажатлар, фойда, зарарлар ҳамда уларнинг ҳаракати билан боғлиқ хўжалик операциялари бухгалтерия ҳисобининг объектларидир. Бухгалтерия ҳисобининг объектлари жамлама счетларда акс эттирилади. Аналитик ҳисобни юритиш тартиби бухгалтерия ҳисоби субъекти томонидан мустақил равишда белгиланади.

Бухгалтерия ҳисобига қўйилган талаблар қуйидагилардан иборат:

1. Ҳисобнинг содда ва тушунарли бўлиши. Содда ва ҳамма учун тушунарли ҳисобни ташкил этишдан асосий мақсад, уни мураккаблашувига йўл қўймаслик ҳамда ҳисоб маълумотларидан кенг халқ оммаси фойдалана олишини таъминлашдан иборат.

2. Ҳисобнинг режаллиги. Бу талаб юқорида айтиб ўтилган соддалик талаби билан чамбарчас боғлиқдир. Ҳисобда албатта зарурий маълумот ва кўрсаткичларга эга бўлган ҳолда, ҳисоб юритиш харажатларини иложи борича камайтириб бориш лозим.

3. Ҳисобнинг аниқ ва тўғрилиги. Бу талаб негизида хўжалик фаолиятларида кузатиш натижасида олинган маълумотларни ҳужжатларда аниқ ва тўғри қайд этиш ётади. Ҳар хил мақсадларда ёки эътиборсизлик қилиб хўжалик ҳисобини ноаниқ ҳамда нотўғри акс эттириш қонун бузарлик ҳисобланади.

4. Ҳисоб ишларини ўз вақтида амалга ошириш, яъни ҳисоб ишларига тааллуқли қандай ҳодиса содир бўлган бўлса, албатта ўз вақтида акс эттирмақ, ҳужжатларда қайд қилмоқ зарур бўлади. Бу талаб тўлиқ бажарилганда хўжалик

---

<sup>18</sup> Carl S. Warren, James M. Reeve, Jonathan E. Duchac. Accounting. USA, 2014. 25th Edition.

фаолияти устидан бошқарув олиб бориш яхши йўлга қўйилади, рўй берган ёки рўй бериши мумкин бўлган камчиликлар ўз вақтида йўқотилади.

5. Ҳисоб кўрсаткичлари билан режа кўрсаткичлари-нинг бирлиги. Корхона, муассаса, ташкилотлар қайси мулкчилик шакли асосида фаолият олиб боришидан қатъий назар ўз олдига жорий ва келгуси режа кўрсаткичларини тузиб олади. Бутун хўжалик ва уларнинг тармоқлари бўйича ҳамда мамлакат миқёсида режа кўрсаткичлари белгилаб олинади. Худди шу кўрсаткичлар билан ҳисоб кўрсаткичлари бирлиги (шу билан бирга ижобий фарқлар) катта аҳамият касб этади. Ҳисоб ишлаб чиқаришнинг бориши, савдо, таъминот, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, маиший хизмат, транспорт ва ҳоказолар фаолияти қай даражадалиги ҳақида маълумот беради, режа бажарилиши устидан назорат ўрнатиб, таҳлил қилиш имконини яратади. Иқтисодий ривожлантириш ички ва ташқи омилларини топиш имкониятини яратади.

Бухгалтер бухгалтерия ҳисобини юритишда махфийликка риоя қилинади. Бухгалтерия ҳисоби регистрларининг мазмуни билан танишишга маъмурият рухсати билан ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда йўл қўйилади.<sup>19</sup>

Бухгалтерия ҳисоби регистрлари билан танишишга рухсат этилган шахслар уларнинг махфийлигини сақлашлари шарт. Махфий

**Хўжалик маблағлари ва унинг ташкил топиш манбалари, уларнинг туркумланиши.**

Хўжалик юритувчи субъектларнинг маълум бир даврга молиявий ҳолати қай даражада эканлигини, улар маблағларининг жойлашиши, ишлатилиши қандай олиб борилаётганлигини ва умуман корхона хўжалик фаолиятига баҳо бериш, назорат этиш, текшириб бориш зарур.

Корхона активлари (бошқача қилиб айтганда мулки) турли хўжалик маблағларидан ташкил топган бўлиб, шулар асосида корхона ўз молия-хўжалик фаолиятини олиб боради ва назорат қилади.

Корхона активлари иккига бўлинади узоқ муддатли ва жорий активлар.

Хўжалик юритувчи субъект аниқ белгиланадиган операция циклидан фойдаланиб товарлар ва хизматларни етказиб берса, у ҳолда баланс ҳисоботидаги жорий ва узоқ муддатли активлар ҳамда мажбуриятларнинг алоҳида тасниф этилиши айланма маблағ сифатида доимо муомалада бўладиган соф активлар билан субъектнинг узоқ муддатли операцияларида фойдаланиладиган активлар ўртасидаги тафовутни фарқлаш йўли билан жуда фойдали ахборот бўлади.

Хўжалик маблағларининг ташкил топиш манбаларига кўра иккига бўлинади ўз маблағларининг манбаи ва мажбуриятларга. Ўз маблағларининг манбаи корхона таъсисчилар томонидан киритилган ва ишлаб топилган маблағларидан ташкил топади. Уларга қуйидагилар киради: устав капитали, қўшилган ва захира капиталидан, ҳамда тақсимланмаган фойда.

Жорий мажбуриятларга шунингдек банк овердрафтлари, тўланадиган дивидендлар, даромад солиқлари, савдо билан боғлиқ бўлмаган ўзга

<sup>19</sup> Carl S. Warren, James M. Reeve, Jonathan E. Duchac. Accounting. USA, 2014. 25th Edition.

кредиторлик қарзлари, фоизларни тўлашни талаб қиладиган қисқа муддатли мажбуриятларнинг жорий қисми киради.

### **Хўжалик жараёнлари.**

Корхона ўз фаолиятини узлуксиз олиб бориши учун маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ва хизматларни кўрсатишда доимо товар-моддий қийматликларга эҳтиёж сезади. Ушбу эҳтиёжини қондириш учун корхона хўжалик жараёни 3та фаза: таъминот жараёни, ишлаб чиқариш жараёни ва сотиш (реализация) жараёни мунтазам равишда олиб боради.

Ҳамма жараёнлар таъминот, ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнлари айрим-айрим олинган хўжалик операциялар иборат бўлади.

Хўжалик операциялари деганда, хўжалик жараёнларни амалга оширишда корхонада содир бўлаётган иқтисодий воқеа ва ҳодисалар тушунилади. Бу иқтисодий воқеа ва ҳодисалар корхона маблағи ва уларнинг ташкил топиш манбаларининг ҳолатига таъсир қилиб, уларни ҳаракатга келтиради.

Таъминот жараёни. Ҳар қандай корхона ўз хўжалик фаолиятини бошлашдан олдин аввал унга керак бўлган моддий бойликлар билан таъминланган бўлиши лозим. Корхона зарур бўлган бу моддий қийматликларни мол етказиб берувчилардан тузилган шартномага асосан олади. Шартномада муайян моддий қийматликнинг номи, сони, сифати, баҳоси, ассортименти ва қайси муддатда олиб келиниши кўрсатилган бўлади.

Ишлаб чиқариш жараёни. Ишлаб чиқаришни амалга ошириш учун корхона тегишли моддий қийматликларга эга бўлиши керак. Шу моддий қийматликлардан фойдаланиб ишлаб чиқариш жараёнида бухгалтерия ҳисобида ишлаб чиқаришга қилинган харажатларни акс эттиради ҳамда ишлаб чиқаришдан олинган тайёр маҳсулотларни қайд қиладди.

Сотиш (реализация) жараёни. Ишлаб чиқариш жараёнидан сўнг яратилган миллий даромадни тақсимлаш ва кейинги ишлаб чиқаришни амалга оширишдан маҳсулотларни сотиш фазасига келади. Корхона маблағининг айланишининг бошқа фазалари муомала сферасида амалга оширилади. Муомала сфераси корхонани моддий қийматликлар билан таъминлаш ва тайёр маҳсулотларни сотиш фазасидан иборат.

### **Ҳисобнинг усуллари ва унинг элементлари**

Ҳисобнинг усуллари ва унинг элементлари: хужжатлаштириш ва инвентаризация, счетлар тизими (миллий стандартларга асосан) ва иккиёқлама ёзув, баҳолаш ва калькуляция, бухгалтерия баланси ва ҳисобот.

Усул (метод юнонча «metodos») тушунчаси икки маънони билдиради: айрим воқеаларни билиш, ўрганиш усули ва алоҳида усул, ҳаракат усули ёки кўриниши.

Биринчи тушунча кенгроқ маънога эга бўлиб, ҳар бир фан каби бухгалтерия ҳисоби ўз усули билан таърифланади. Ҳисоб юритиш тартибини белгилаб берувчи таркибий қисм сифатида бухгалтерия ҳисобига хос бўлган қуйидаги усуллар маълум; хужжатлаштириш; инвентаризация; баҳолаш; калькуляция; бухгалтерия ҳисоби счётлари; иккиёқлама ёзув; бухгалтерия баланси; ҳисобот. Ушбу тушунчалар усул элементлари ҳам дейилади.<sup>20</sup>

<sup>20</sup> Carl S. Warren, James M. Reeve, Jonathan E. Duchac. Accounting. USA, 2014. 25th Edition.

Иккинчи маънода - алоҳида фойдаланиладиган усуллар маъносида - қўлланиладиган усуллар йиғиндиси ҳисобнинг услубиятини ташкил этади.

Методология бухгалтерия ҳисоби олдида турган мақсад ва вазифалар ҳам уларни ечиш имкониятлари, яъни мавжуд техник ва технологик база билан белгиланади. Усулнинг мазмуни - мазкур фаннинг предмети, вазифалари ва унинг олдида қўйиладиган талаблар хусусиятларига боғлиқ бўлади. Улар бухгалтерия ҳисоби усулининг таркибига кирадиган аниқ усулларни белгилаб беради.

Энг аввал шунга эътибор бериш лозимки, бухгалтерия ҳисобида содир бўладиган барча хўжалик жараёнлари, унинг ихтиёридаги барча маблағларни акс эттирувчи ахборотларни шакллантиради. Ҳар хил жараёнларда содир бўладиган операциялар сони ҳамда корхона ихтиёрида жойлашган маблағлар тури ва манбалари жуда кўпдир. Ҳар бир хўжалик операцияси маблағлар ҳамда манбалар тури устидан зарурий бошқарув ахборотини умумлаштириш, шакллантириш, хужжатлаштириш ёрдамида кузатиб борилади.

Хужжатлаштириш бухгалтерия ҳисобининг объектлари устидан ёппасига ва узлуксиз кузатишни амалга ошириш имконини берадиган дастлабки акс эттириш усулидир. Бунинг учун ҳар бир алоҳида операция учун ёки уларнинг бир турдаги гуруҳи учун дастлабки ҳисоб ахборотини муайян моддий ташувчиси тузилади. Унда амалга оширилган операциянинг мазмуни қайд этилади.

Хужжатлаштириш ёрдамида содир бўлаётган хўжалик операциялари ҳақида мукамал маълумотлар олинади. Бу маълумотлар уларни кейинчалик иқтисодий жиҳатдан гуруҳлаш ва умумлаштириш учун асос бўлиб ҳисобланади. Ҳуқуқий талабларга риоя қилинган ҳолда хужжатлардан фойдаланиш бухгалтерия ҳисобининг маълумотларига исботловчи куч бағишлайди.

Лекин хўжалик жараёнида бўлиб ўтаётган барча ҳодисаларни ҳам хужжатлаштириш ёрдамида қайд қилиб бўлавермайди. Жумладан, табиий йўқолиш, маблағларни қабул қилиш ва топшириш пайтидаги ноаниқликлар, ҳисобдаги хатолар ва қолаверса, ўтирликлар тегишли қийматликларнинг ҳақиқий миқдорини дастлабки ахборотни ташувчилар ҳамда ҳисобда акс эттирилганларидан четга оғишишига олиб келади. Бундай ҳодисаларни расмийлаштириш, улар содир бўлаётганда эмас, балки маълум бўлгандагина мумкин бўлади. Дастлабки ахборот ташувчилар томонидан қайд қилинмай қолган ҳодисалар, хужжатлаштиришга зарурий қўшимчалар, яъни қайта рўйхатга олиш ёрдамида аниқланади. Унинг маълумотлари юқорида келтирилган у ёки бошқа сабабларга кўра ўз вақтида ҳисобга олинмай қолган ҳисоб кўрсаткичларини ҳақиқатдагига мувофиқлаштириш учун хизмат қилади.

Шундай қилиб, хужжатлаштириш ва рўйхатга олиш бухгалтерия ҳисобининг объектларини дастлабки кузатишни амалга ошириш учун қўлланилади. Улардан фойдаланиш - мулкнинг бут сақланиши устидан назорат қилиш имконини беради. Хужжатлаштириш ва рўйхатга олишнинг маълумотлари моддий-жавобгар шахсларнинг ҳатти-ҳаракатлари, амалга

оширилаётган муомалаларнинг қонунийлиги, маблағларнинг тўғри сақланиши, улардан мақсадга мувофиқ равишда фойдаланиш ва шу кабилар устидан кузатиш имконини беради.

Юқорида таъкидланганидек, хўжалик операциялари ва маблағлар жуда турли-тумандир. Лекин бухгалтерия ҳисоби улар ҳақида йиғма кўрсаткичларни бериши керак. Бу, йиғиладиган маълумотлар пул ўлчовларида ифодаланади. Бунинг учун бухгалтерия ҳисобида баҳолаш усули қўлланилади. Баҳолаш ёрдамида натура ва меҳнат кўрсаткичларини пул кўрсаткичларига айлантирилади.

Хўжалик жараёнини бошқариш учун уни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган барча чиқимларни ҳисоблаб чиқиш, ҳар бир жараёнда ишлатилган ҳам жонли ҳам моддийлаштирилган меҳнатни ҳисоблаб чиқиш керак. Бунда ҳар бир чиқим турининг миқдоринигина эмас, балки аниқ бўлган, уларнинг объектига тегишли бўлган умумий суммасини топиш, яъни ҳисобга олинаётган маҳсулотларнинг таннархини аниқлаб топиш лозим бўлади. Маҳсулот таннархи - ишлаб чиқариш харажатларининг миқдори устидан назорат қилиш учун қўлланиладиган калькуляция ёрдамида ҳисоблаб топилади. У объектларнинг ҳақиқий таннархини аниқлаш имконини беради.

Шундай қилиб, калькуляция бухгалтерия ҳисоби объектларини қийматли ўлчаш учун хизмат қилади. Уларнинг қўлланилиши тижорат ҳисоб-китобини мустаҳкамлаш учун катта аҳамият касб этади. Маълумки, тижорат ҳисоб-китобига риоя қилиш корхона харажатлари билан унинг фаолият натижалари ўртасидаги мувофиқликни талаб қилади. Харажатлар билан натижаларни солиштириш ҳақиқий таннарх калькуляцияси маълумотларига асосланадиган пулдаги ифодалаш йўли билан эришилади.

Бухгалтерия ҳисобининг объектлари таркибидаги ва функцияларидаги фарқланишлар уларнинг устидан алоҳида гуруҳлар бўйича, масалан, меҳнат воситалари, буюмлари, пул маблағлари ва ҳоказоларни кузатиш зарурлигини тақозо этади. Ундан ташқари, ушбу гуруҳларнинг ичида маблағларнинг алоҳида турлари ва уларнинг жойлашган жойлари бўйича ташкил қилиш керак бўлади. Демак, ҳисоб билан алоҳида ажратилган ҳар бир меҳнат воситасининг тури - бинолар, машиналар, ускуналар; меҳнат буюмлари - асосий ва ёрдамчи материаллар, ёқилғи, ярим тайёр маҳсулот ва бошқалар; пул маблағлари уларнинг жойлашган жойлари бўйича ҳисоб-китоб, валюта ва банкдаги бошқа счётлар, корхонанинг кассасида қамраб олинган бўлиши керак. Шу билан бирга бундай гуруҳлаш кўпинча етарли деб ҳисобланмайди. Масалан, меҳнат буюмларининг ҳар хил турлари, айтайлик, асосий материаллар устидан кузатиш уларнинг ҳар бир тури, нави, катта-кичиклиги ва ҳоказолар тўғрисида маълумотлар олишни талаб қилади. Шунга ўхшаш гуруҳлаш бухгалтерия ҳисобида маблағлар манбалари ва хўжалик жараёнлари бўйича ҳам амалга оширилади.

Хўжалик маблағлари ва хўжалик операцияларини акс эттиришда, уларни бошқариш учун зарур бўлган маълумотларни олишда, бухгалтерия ҳисоби объектларини иқтисодий жиҳатдан гуруҳлашда счётлардан фойдаланилади.

Ахборотни дастлабки ташувчилардаги маълумотлар ҳисоб объектларига фақат тарқоқ бўлган тавсифни беради. Шу сабабли счётларга эҳтиёж туғилади.

Бу маълумотларни умумлаштирган ҳолда гуруҳлаш ва суммалаштириш лозим бўлади. Бундай функцияни бухгалтерия ҳисобида счётлар бажаради.

Инвентаризация моддий қийматликларни бут сақланишини назорат қилишдир.<sup>21</sup>

### **2.3. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўйича қўмита(МХХСК)нинг мақсади ва унинг тавсифи.**

Ҳисоб сиёсати. Молиявий ҳисобот.

Ҳисоб сиёсати - бухгалтерия ҳисобини такомиллаштиришнинг асосий хусусияти шундаки, давлат томонидан ҳисоб ишларини ташкил қилишга доир ҳужжатларда бухгалтерия ишларини уюштиришнинг асосий услубий принциплари билан биргаликда субъектга ҳисоб юритишда у ёки бу сиёсатни, бухгалтерия ҳисобининг шаклини, ҳисоб ахборотини ишлаш технологиясини, бухгалтерия ишларини ташкил қилиш усулларини танлаш ҳуқуқлари берилган. Шу муносабат билан кейинги йилларда ватанимиздаги ҳисоб назарияси ва амалиётида субъектнинг ҳисоб сиёсати деган тушунча пайдо бўлиб, у замонавий шароитдаги бухгалтерия ҳисобининг ривожланиш йуналишини акс эттиради.

Ҳисоб сиёсатини бухгалтерия ҳисобини юритиш субъектнинг маблағларини ҳисобот йилида баҳолашнинг услубий қоидаларининг йигиндиси деб таърифлаш мумкин.

Молиявий ҳисобот – хўжалик юритувчи субъектлар томонидан маҳсулот (иш ва хизмат)лар сотиш натижалари тўғрисидаги маълумотлар мажмуи бўлиб, у субъектнинг молиявий -хўжалик фаолиятининг ҳолатини маълум давр (чорак, йиллик)га қиймат кўринишида акс этишидир. Ҳисобот ахборотлари сотилган маҳсулот (иш ва хизмат)лар, ишлаб чиқариш харажатлари, хўжалик маблағлари ва уларнинг ташкил топиш манбалари, ишларнинг молиявий натижалари, солиққа тортиш ҳамда дивидендлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади.<sup>22</sup>

Ҳисобот маълумотлари бўйича корхона раҳбари мулкдорлар, таъсисчилар, бошқарув ва назорат тизими, юқори ташкилотлар олдида ҳисобот берадилар.

Ташқи ҳисоботларда бухгалтердан нималарни ҳисобга олиш талаб этилади?

Бухгалтер ўзининг тажрибасига асосланиб, ташқи ҳисоботларни тузишда қонунга асосланган, мохирона, профессионал ва белгиланган талабларга мос иш юритиши лозим.<sup>23</sup>

Корхонанинг йиллик бухгалтерия ҳисоботи тегишли ташкилотларга топширилишидан олдин таъсис ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади ва тасдиқланади. Қонунга мувофиқ йиллик ҳисоботнинг қуйидаги шакллари тузиш назарда тутилган:

---

<sup>21</sup> Barry Elliot, Jamie Elliot. Financial accounting and reporting. (ISBN 978-1-292-08057-4) London, 2015. 17 th Edition. 509 p.

<sup>22</sup> Jo'rayev N. Abdvaxidov F. Sotivoldiyeva D. Moliyaviy va boshqaruv hisobi. Darslik. –Т.: 2012, - 457 bet.

<sup>23</sup> Barry Elliot, Jamie Elliot. Financial accounting and reporting. (ISBN 978-1-292-08057-4) London, 2015. 17 th Edition. 4 p.



- 1- «Корхона баланси»;
- 2- «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот»;
- 4- «Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот»;
- 5- «Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот».

#### **2.4. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва фойдаланиш имкониятлари.**

Молиявий ҳисоботлар - тадбиркорлик субъектининг молиявий ҳолати ва молиявий натижаларининг тартибга солинган ифодасидир. Молиявий ҳисоботларнинг мақсади турли фойдаланувчилар учун иқтисодий қарорларни қабул қилишда фойдали бўлган, тадбиркорлик субъектининг молиявий ҳолати, молиявий натижалари ва пул оқимлари тўғрисидаги маълумотларни таъминлашдан иборатдир. Молиявий ҳисоботлар, шунингдек, раҳбарият томонидан унга ишониб топширилган ресурслар бошқарилишининг натижаларини акс эттиради. Ушбу мақсадга эришиш учун, молиявий ҳисоботлар тадбиркорлик субъектига тегишли бўлган қуйидаги жиҳатлар тўғрисидаги маълумотларни таъминлайди:

- (а) активлар;
- (б) мажбуриятлар;
- (в) капитал;
- (г) даромад ва харажатлар, жумладан фойда ва зарарлар;
- (д) мулк эгалари томонидан уларнинг мулк эгалари сифатида амал қилишидаги қилинган қўйилмалар ва уларга тақсимланадиган суммалар; ва
- (е) пул оқимлари.

Ушбу маълумотлар, изоҳлардаги бошқа маълумотлар билан бирга, молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчиларга тадбиркорлик субъектининг келгуси пул оқимларини ва, хусусан, уларнинг муддатини ва аниқлигини башорат қилишда ёрдам беради.

#### **2.6. Молиявий ҳисоботни тайёрлашнинг концептуал асослари.**

Молиявий ҳисоботларнинг тўлиқ тўплами қуйидагиларни қамраб олади:

- (а) давр охирига молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот;
- (б) давр учун фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот;
- (в) давр учун капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисобот;
- (г) давр учун пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот;
- (д) изоҳлар, яъни аҳамиятли ҳисоб сиёсатларининг ва бошқа тушунтириш маълумотларининг қисқа баёнини қамраб олган изоҳлар;
- (е) олдинги давр бошига молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот, қачонки тадбиркорлик субъекти ҳисоб сиёсатини ретроспектив тарзда қўлласа, ёки

Ўзининг молиявий ҳисоботларидаги моддаларни ретроспектив тарзда қайта ҳисоблашни амалга оширса, ёки қачонки у 40А-40Г бандларга мувофиқ ўзининг молиявий ҳисоботларидаги моддаларни қайта таснифласа.

Тадбиркорлик субъекти мазкур Стандартда фойдаланилган ҳисобот номларидан ташқари номлардан фойдаланиши мумкин. Масалан, тадбиркорлик субъекти “фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот” ўрнига “умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот” номидан фойдаланиши мумкин.

### **Назорат саволлари:**

1. Ўзбекистон Республикасининг ҳисоб тизими нима?
2. Ҳисоб ва ҳисобот турлари мазмунини очиб беринг?
3. Молиявий ҳисоботнинг миллий ва халқаро стандартларининг ўзаро боғлиқлигини ва фарқларини айтинг?
4. Ҳисобнинг вазифалари ҳақида тушунча беринг?
5. Ҳисобнинг предмети ва методлари ҳақидаги тушунчаларини баён қилинг?
6. Ҳисобнинг объекти ва тамойиллари тўғрисида фикрларни баён қилинг?
7. Ҳисоб сиёсатининг мазмунини ёритинг?
8. Молиявий ҳисобот шаклларини тузиш ва тақдим этиш тартибини айтинг?

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Barry Elliot, Jamie Elliot. Financial accounting and reporting. London, 2015. 17 th Edition.
2. Carl S. Warren, James M. Reeve, Jonathan E. Duchac. Accounting. USA, 2014. 25th Edition.
3. Thomas P. Edmonds, Frances M. McNair, Philip R. Olds, Edward E. Milam. Fundamental Financial Accounting Concepts. New York. 2013.
4. Howes, Environmental Cost Accounting: An introduction and practical guide, London: CIMA, 2012.

### **3-мавзу. Молиявий ҳисоботни тайёрлашнинг концептуал асослари.**

Молиявий ҳисоботларнинг тўлиқ тўплами қуйидагиларни қамраб олади:

- (а) давр охирига молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот;
- (б) давр учун фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот;
- (в) давр учун капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисобот;
- (г) давр учун пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот;
- (д) изоҳлар, яъни аҳамиятли ҳисоб сиёсатларининг ва бошқа тушунтириш маълумотларининг қисқа баёнини қамраб олган изоҳлар;
- (е) олдинги давр бошига молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот, қачонки тадбиркорлик субъекти ҳисоб сиёсатини ретроспектив тарзда қўлласа, ёки

Ўзининг молиявий ҳисоботларидаги моддаларни ретроспектив тарзда қайта ҳисоблашни амалга оширса, ёки қачонки у 40А-40Г бандларга мувофиқ ўзининг молиявий ҳисоботларидаги моддаларни қайта таснифласа.

Тадбиркорлик субъекти мазкур Стандартда фойдаланилган ҳисобот номларидан ташқари номлардан фойдаланиши мумкин. Масалан, тадбиркорлик субъекти “фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот” ўрнига “умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот” номидан фойдаланиши мумкин.

#### **Назорат саволлари:**

1. Ўзбекистон Республикасининг ҳисоб тизими нима?
2. Ҳисоб ва ҳисобот турлари мазмунини очиқ беринг?
3. Молиявий ҳисоботнинг миллий ва халқаро стандартларининг ўзаро боғлиқлигини ва фарқларини айтинг?
4. Ҳисобнинг вазифалари ҳақида тушунча беринг?
5. Ҳисобнинг предмети ва методлари ҳақидаги тушунчаларини баён қилинг?
6. Ҳисобнинг объекти ва тамойиллари тўғрисида фикрларни баён қилинг?
7. Ҳисоб сиёсатининг мазмунини ёритинг?
8. Молиявий ҳисобот шаклларини тузиш ва тақдим этиш тартибини айтинг?

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Barry Elliot, Jamie Elliot. Financial accounting and reporting. London, 2015. 17 th Edition.
2. Carl S. Warren, James M. Reeve, Jonathan E. Duchac. Accounting. USA, 2014. 25th Edition.
3. Thomas P. Edmonds, Frances M. McNair, Philip R. Olds, Edward E. Milam. Fundamental Financial Accounting Concepts. New York. 2013.
4. Howes, Environmental Cost Accounting: An introduction and practical guide, London: CIMA, 2012.

## IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАР, ТОПШИРИҚЛАР ВА УЛАРНИ БАЖАРИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР

### 1-амалий машғулот.

#### Молиявий ҳисоб ва ҳисоботни ташкил этишда халқаро стандарлардан фойдаланиш

Хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб юритиш сиёсатида мувофиқ автомобиллар 5 йил ичида амортизация қилинади. Хўжалик юритувчи субъект 30 000 шартли бирликка янги автомобиль сотиб олди. Илгари 5 йил мобайнида фойдаланишда бўлган шунга ўхшаш автомобилнинг жорий бозор нархи 5 000 шартли бирликни ташкил қилади.

3 йил ўтганидан кейин тугатиш қиймати 7 000 шартли бирликга тенг деб олинади, чунки ушбу автомобилнинг ўртача йўл босиши аввалгига қараганда паст эканлиги аниқ бўлиб қолди.

5 йиллик муддат тугаганидан кейин хўжалик юритувчи субъект автомобилни 6 000 шартли бирликка сотади.

БҲМС ва МҲХС талабларига мувофиқ йиллар бўйича автомобиль қийматининг ўзгариши тартибини акс эттиринг. 5 йиллик муддат тугаганидан кейин асосий воситалар объектини сотишдан кўрилган молиявий натижани аниқланг.

#### ***Ечиш:***

Амортизацияни ҳисоблашда ва фойдали фойдаланилиш муддатини қайта кўриб чиқишда бундай қайта кўриб чиқиш у амалга оширилган даврдан бошлаб перспектив акс эттирилади.

Йил	БҲМС		МҲХС		МҲХС ва БҲМС ўртасида фойдадаги фарқ
	Харажатлар (амортизация)	Объектнинг қолдиқ қиймати	Харажатлар (амортизация)	Объектнинг қолдиқ қиймати	
1	6 000	24 000	5 000	25 000	+1 000
2	6 000	18 000	5 000	20 000	+1 000
3	6 000	12 000	5 000	15 000	+1 000
4	6 000	6 000	4 000	11 000	+2 000
5	6 000	0	4 000	7 000	+2 000
Сотиш	Фойда +6 000		Зарар (-1 000)		-7 000

#### ***3-вазифа:***

Хўжалик юритувчи субъект ўз балансида дастлабки қиймати 11 000 шартли бирликка тенг бўлган автомобилга эга. Автомобилнинг фойдали фойдаланилиш муддати хўжалик юритувчи субъект томонидан 300 минг км йўл босиш деб баҳоланмоқда.

Автомобиль двигатель билан жиҳозланган бўлиб, унинг бозор нархи автомобилни харид қилиш санаси ҳолатига кўра 1 000 шартли бирликни

ташқил қилди. Корхона ушбу двигателда узоғи билан 150 минг км йўл босиши мумкин.

Агар фойдали фойдаланилиш муддати тугаганидан кейин автомобилнинг тугатиш қиймати 0 шартли бирликка тенг бўлишини ҳисобга олсак, босиб ўтилган масофа 75 минг кмни ташқил қилганидан кейин асосий воситаларнинг бухгалтерия балансидаги умумий баҳоси қанақа бўлади.

***Ечиш:***

Объектлар фойдали фойдаланилишнинг турли муддатига эга бўлиб, бундан ташқари двигатель автомобиль қийматининг катта қисмини ташқил қилганлиги боис, тегишлича, объектлар, ҳатто улар бир объект сифатида ҳисобга олинган тақдирда ҳам, бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда амортизация қилиниши керак. Бунда:

**Автомобилнинг амортизация қилинаётган қиймати двигателсиз – 10 000 ш.б.;**

**Двигателнинг амортизация қилинаётган қиймати – 1 000ш.б.**

У ҳолда, босиб ўтилган масофа 75 000 кмга етганида, тўпланган амортизация суммаси қуйидагини ташқил этиши лозим:

**а) автомобиль бўйича =  $10000 * 75000 / 300000 = 2500$ ;**

**б) двигатель бўйича =  $1\ 000 * 75\ 000 / 150\ 000 = 500$ .**

Демак, объектнинг бухгалтерия балансидаги умумий баҳоси қуйидагини ташқил қилади:

**Умумий қиймат =  $11\ 000 - 3\ 000 = 8\ 000 = 7\ 500 + 500$ .**

***4-вазифа:***

Хўжалик юритувчи субъект ўз балансида дастлабки қиймати 15 000 шартли бирликка тенг бўлган автомобилга эга. Автомобилнинг фойдали фойдаланилиш муддати хўжалик юритувчи субъект томонидан 300 минг км йўл босиш деб баҳоланмоқда.

Босиб ўтилган масофа 100 минг кмни ташқил қилганидан кейин, автомобилнинг фойдали фойдаланилиш муддати 350 минг кмга тенг деб олинади.

Амортизация автомобиль босиб ўтган масофага мутаносиб равишда ҳисобланишини ҳисобга олган ҳолда 100 минг кмдан 200 минг кмгача йўл босганлик учун қанча амортизация суммаси ҳисобдан чиқарилади.

***Ечиш:***

Босиб ўтилган масофа 100 минг кмга етганидан кейин автомобилнинг қолдиқ қиймати 10 000 Шартли бирликка тенг бўлади, чунки ҳисобланган амортизация қуйидагини ташқил қилади:

$$\text{Амортизация} = 5\ 000\text{ш.б} = 15\ 000\text{ш.б} * 100\ 000\ \text{км} / 300\ 000\ \text{км}.$$

Фойдали фойдаланилиш муддати (мазкур ҳолатда бу баҳоланаётган фойдали йўл босиш) 350 000 кмгача ўзгарганлиги боис, бухгалтерия баҳоларининг ушбу ўзгариши перспектив тарзда амалга оширилиши керак, яъни аввалги 100 000 км босиб ўтилган масофа учун амортизация коррективировка (тузатиш) қилинмаслиги керак ва аввалги 5 000 шартли бирлик даражасида қолади.

Мос равишда, қолган 250 минг км босиб ўтилган масофа учун объектнинг 10 000 шартли бирлик миқдоридаги қолдиқ қийматини амортизация қилиш керак бўлади. Шундан келиб чиққан ҳолда, 1 000 км босиб ўтилган масофа учун амортизация нормаси қуйидагини ташкил қилади:

$$\text{Норма}_{1000\ \text{км}\ \text{йўл}\ \text{босиш}} = 10\ 000\text{ш.б.} / 250\ \text{минг}\ \text{км} = 40\text{ш.б.} / \text{минг}\ \text{км}.$$

Тегишлича 100-200 минг км ўртасидаги кейинги 100 минг км учун амортизация кўринишида ҳисобдан чиқарилиши лозим.

$$\text{Амортизация} = 100\ \text{минг}\ \text{км.} * 40\text{ш.б.}/\text{минг}\ \text{км} = 4\ 000\text{ш.б.}$$

### **5-вазифа:**

Асосий воситанинг дастлабки қиймати 10 000 шартли бирликни ташкил қилади. Объектнинг фойдали фойдаланилиш муддати у ишга туширилаётганда 4 йилга тенг деб белгиланди.

Объектнинг тугатиш қиймати уни харид қилиш вақтида 2 000 Шартли бирликга баҳоланди.

Объектдан фойдаланиш бошланганидан кейин икки йил ўтгач унинг фойдали фойдаланилиш муддати 6 йилгача оширилди (фойдаланиш бошланган вақтдан эътиборан). Асосий воситалар объектнинг тугатиш қиймати 1 000 шартли бирликгача қисқартирилди.

Агар амортизация тўғри чизикли усул билан ҳисобланишини ҳисобга олсак, объектдан фойдаланишнинг охириги тўрт йилида амортизациянинг ҳар йиллик суммаси қанақа бўлади.

### **Ечиш:**

Ишга тушириш вақтида амортизация қилинаётган қиймат қуйидагини ташкил қилди:

$$\text{Амортизация қиймати} = 10\ 000\text{ш.б.} - 2\ 000\text{ш.б.} = 8\ 000\text{ш.б.}$$

Объектдан фойдаланишнинг дастлабки икки йили мобайнида 4 000 шартли бирлик ҳисобдан чиқарилади, чунки амортизациянинг йиллик нормаси 25 фоизни ташкил қилади.

Фойдаланишнинг иккинчи йили ниҳоясига етган вақтда объектнинг қолдиқ қиймати қуйидагини ташкил қилади:

$$\text{Қолдиқ қиймат}_{2\ \text{йил}} = 6\ 000\text{ш.б.} = 10\ 000\text{ш.б.} - 4\ 000\text{ш.б.}$$

Иккинчи йил ниҳоясига етгач амортизация қилинаётган қиймат қуйидагини ташкил қилади:

$$4\ 000\ \text{ш.б.} = 10\ 000\ \text{ш.б.} - 4\ 000\ \text{ш.б.} - 2\ 000\ \text{ш.б.}$$

Баҳолар ўзгартирилганидан кейин амортизация қилинаётган қиймат  $5\ 000\ \text{ш.б.} = 10\ 000\ \text{ш.б.} - 4\ 000\ \text{ш.б.} - 1\ 000\ \text{ш.б.}$  ни ташкил қилади. У 4 йил ичида ҳисобдан чиқарилиши лозим.

Мос равишда ҳар йили **1 250** шартли бирлик ҳисобдан чиқарилиши керак.

### ***6-вазифа:***

Асосий воситалар объекти 50 000 ш.б. дастлабки қийматга эга. 4 йилдан кейин уни сотиш учун ҳисобга қўйиш вақтида 12 000 ш.б. даромад олиш режалаштирилган. Бунда объектни сотишга тайёрлаш харажатлари 2 000 ш.б.ни ташкил қилиши керак.

1 йилдан кейин фойдали фойдаланилиш муддати 6 йилгача ошади, чунки объектдан кутилганидек интенсиф тарзда фойдаланилмади.

Фойдаланиш бошланганидан кейин икки йил ўтгач автомобил тугатиш қийматининг пасайиши ойдинлашади – тушум 9 000 ш.б.ни ташкил қилиши мумкин, объектни сотишга тайёрлаш харажатлари эса 3 000 ш.б.гача ошади. Муддат бошқа қайта кўриб чиқилмайди.

Фойдаланиш бошланганидан кейин уч йил ўтгач хўжалик юритувчи субъект объектдан у тўлиқ жисмоний эскиргунга қадар фойдаланиш тўғрисида қарор қабул қилади. Охириги 3 йил мобайнида ҳар йили ҳисобланадиган амортизация суммасини аниқланг.

### ***Ечиш:***

Амортизация қиймати (АҚ), амортизация суммаси (А) ва асосий воситалар объекти қолдиқ қиймати (ҚҚ)нинг фойдаланиш йиллари бўйича ўзгариш графигини тузамиз:

$$АҚ_{1\ \text{йил}} = 40\ 000\ \text{ш.б.} \quad А_{1\ \text{йил}} = 10\ 000 \quad ҚҚ_{1\ \text{йилга}} = 40\ 000\ \text{ш.б.}$$

$$АҚ_{2\ \text{йил}} = 30\ 000\ \text{ш.б.} \quad А_{2\ \text{йил}} = 6\ 000\ \text{ш.б.} \quad ҚҚ_{2\ \text{йилга}} = 34\ 000\ \text{ш.б.}$$

$$АҚ_{3\ \text{йил}} = 28\ 000\ \text{ш.б.} \quad А_{3\ \text{йил}} = 7\ 000\ \text{ш.б.} \quad ҚҚ_{3\ \text{йилга}} = 27\ 000\ \text{ш.б.}$$

Объектдан фойдаланишнинг 4-6-йиллари мобайнида амортизация миқдори қуйидагини ташкил қилади:

$$\text{Амортизация}_{4-6\ \text{йиллар}} = 27 / 3 = 9\ \text{минг ш.б.}$$

### ***7-вазифа:***

Асосий воситалар объекти хўжалик юритувчи субъектга 2005 йил 10

сентябрда келиб тушади. Объект фойдаланиш учун тўлиқ тайёр ҳолатда келтирилади ва у харид қилинган кунийёқ фойдаланила бошлайди. Етказиб берувчининг ҳисобига кўра объектнинг қиймати 5 000 Шартли бирликни ташкил қилади.

Объект келиб тушган вақтда харидор пул маблағлари билан боғлиқ қийинчиликларни бршдан кечира бошлади ва унинг нарҳини фақат 2005 йил 30 ноябрда тўлади. Етказиб берувчи билан тузилган шартномада объектнинг нарҳини тўлаш муддати ҳам, тўлов муддатини чўзиш шартлари ҳам кўрсатилмаган. Иқтисодиётда фоизнинг нормал даражаси бир йилда 20 фоизни ташкил қилишини ҳисобга олган ҳолда операцияни ҳисобда 10 сентябрь ва 30 ноябрь ҳолатига кўра акс эттиринг.

### ***Ечиш:***

10 сентябрда хўжалик юритувчи субъект асосий воситалар объектини қабул қилиб олди ва унинг нарҳини кредитлашнинг нормал шартларидан ортиқ вақт ўтганидан кейин тўлашини тахмин ҳам қила олмади. Мос равишда, 10 сентябрда асосий воситалар объекти 5 000 шартли бирлик қиймати бўйича ҳисобга олиниши лозим эди.

30 ноябрда объектнинг нарҳи тўланганидан кейин харидор нарҳни тўлаш муддатини чўзиш кредитлашнинг нормал шартларидан ошиб кетганлигини тушунмаслиги мумкин эмас. Мос равишда ушбу вақтга келиб асосий воситанинг баҳоси ҳам ўзгарган бўлиши керак.

Тўлов муддати кредитлашнинг нормал шартларидан ортиқ муддатга чўзилган давр учун дисконтлаш ставкасини ҳисоблаб чиқамиз:

$$\text{Коэффициент}_{2 \text{ ой}} = 1,2^{2/12} = 1,0308533$$

У ҳолда келгуси пул киримининг дисконтланган қиймати қуйидагини ташкил қилиши лозим:

$$\text{Дисконтланган қиймат} = 5\,000 \text{ ш.б} / 1,0308533 = 4\,850,35 \text{ ш.б.}$$

Бу асосий воситалар объектининг баҳоси бўлади, айти пайтда тўлов муддатини кечиктирганлик учун фоизлар тўлаш харажатлари 149,65 шартли бирликни ташкил қилади.

Мазмуннинг шаклдан устуворлиги тамойилининг амал қилиши натижасида шартномада фоизлар кўрсатилмаганлигини умуман эътиборга олмаслик даркор.

Объект устидан назоратни кўлга киритиш вақти билан унинг нарҳини тўлаш вақти ўртасидаги ўтган ойлари эмас, балки ўтган кунларни ҳисобга олган ҳолда янада аниқ ҳисоб-китобни амалга ошириш мумкин.

У ҳолда дисконтлаш ставкаси қуйидагини ташкил қилади:

$$\text{Коэффициент}_{80 \text{ кун}} = 1,2^{80/365} = 1,040770$$

Ушбу ҳолатда келгуси пул киримининг дисконтланган қиймати 4850,35 Шартли бирликни эмас, балки қуйидагини ташкил қилади

$$\text{Дисконтланган қиймат} = 5\,000 / 1,040770 = 4\,804,14 \text{ ш.б}$$



Мос равишда, фоизли харажатлар миқдори 195,86 шартли бирликни ташкил қилади, яъни тўлов умумий суммасининг тўланган фоизлар фойдасига муайян тарзда қайта тақсимланиши юз беради.

Бундай қайта тақсимланиш фоиз ставкасини ҳисоблаш вақтида қўлланиладиган даражанинг турли кўрсаткичлари туфайли юзага келади. Масалан, биринчи ҳолатда 2/12 даража бу 0,1(6), айти пайтда 80/365 даража бу 0,2192, яъни қийматлар ўртасидаги фарқ 0,0525 ни ташкил қилади, бу мазкур қийматлардаги ҳатонинг жуда катта кўрсаткичи ҳисобланади.

### **7-вазифа:**

Автомобилнинг дастлабки қиймати 30 000 шартли бирликни ташкил қилади. Ишга тушириш вақтида фойдали фойдаланилиш муддати 400 минг км йўл босиш қилиб белгиланди. Ишга тушириш вақтида тугатиш қиймати 2 000 шартли бирлик миқдорида белгиланди.

Босиб ўтилган масофа 40 минг км.ни ташкил қилганидан кейин автомобилнинг баланс қийматини аниқланг.

### **Ечиш:**

Ушбу асосий воситалар объектнинг уни ишга тушириш вақтида шаклланган амортизация қийматини аниқлаймиз:

$$\text{Амортизация қиймати} = 30\ 000\text{ш.б} - 2\ 000\text{ш.б} = 28\ 000\text{ш.б.}$$

Бунда 40 минг км босиб ўтилган масофа учун амортизация миқдорини ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига мутаносиб равишда амортизацияни ҳисоблаш усулидан келиб чиқиб ҳисоблаймиз:

$$\text{Амортизация}_{40\ \text{минг км}} = 28\ 000\text{ш.б} / 40\ 000\ \text{км} * 400\ 000\ \text{км} = 2\ 800\text{ш.б}$$

У ҳолда асосий воситалар объектнинг қолдиқ қиймати босиб ўтилган масофа 40 000 км.га етганидан кейин қуйидагини ташкил қилади:

$$\text{Қолдиқ қиймати}_{40\ \text{минг км}} = 30\ 000\text{ш.б} - 2\ 800\text{ш.б} = 27\ 200\text{ш.б}$$

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Barry Elliot, Jamie Elliot. Financial accounting and reporting. London, 2015. 17 th Edition.
2. Carl S. Warren, James M. Reeve, Jonathan E. Duchac. Accounting. USA, 2014. 25th Edition.
3. Thomas P. Edmonds, Frances M. McNair, Philip R. Olds, Edward E. Milam. Fundamental Financial Accounting Concepts. New York. 2013.
4. Howes, Environmental Cost Accounting: An introduction and practical guide, London: CIMA, 2012.

### 3- амалий машғулот: Бюджетлаштириш ва харажатларни назорат қилиш.

#### 1-масала.

**Мақсад** - молиявий қўйилмалар ҳисоби тартибини ўрганиш.

**Вазифа** - қимматли қоғозлар ҳаракатини бухгалтерия ҳисоби ёзувларида акс эттириш.

#### Масалани бажариш учун маълумотлар.

2016 йил январь ойида “КИМЁ” очик акционерлик жамияти устав фондига тенг миқдорда ҳар бирининг баҳоси 1200000 сўмга тенг 1000 дона акция чиқарди ва сотди. Акционерлар кенгашининг қарори билан дивиденд миқдори 20 фоиз қилиб белгиланди. 2013 йил ноябрь ойида акционерлар кенгашининг қарори билан дивиденд миқдори 15 фоиз қилиб белгиланди. 2012 йил якуни бўйича акционерлик жамиятининг фойдаси 866660000 сўмлиги аниқланди.

**1-топшириқ.** “КИМЁ” очик акционерлик жамияти устав фонди миқдорини аниқланг.

**2-топшириқ.** Дивиденд фоизини аниқланг.

**3-топшириқ.** Йил якунлари бўйича ҳар бир акция учун дивиденд суммасини аниқланг.

**4-топшириқ.** Қуйидаги жадвални тўлдириш.

№	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Суммаси (минг сўм)	Счётлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1.	Акция чиқарилди			
2.	Акция сотилди тўлиқ сотилди			
3.	Йил якунлари бўйича дивиденд ҳисобланди			
4.	Ҳисобланган дивиденд берилди			

#### 12-масала.

**Мақсад** - капитал, фондлар ва молиявий натижалар ҳисоби устав капитали ҳисобини ўрганиш.

**Вазифа** - хўжалик юритувчи субъектлар устав капиталини шакллантириш тартиби ва уни бухгалтерия ҳисоби ёзувларида акс эттириш.

#### Масалани бажариш учун маълумотлар.

“Нур” акционерлик жамиятини ташкил этиш мақсадида устав капитали қуйидаги тартибда шакллантирилди:

1. Ахмедов К.М. - 230000000 сўм.
2. Турсунов Х.О. - 230000000 сўм.
3. Махмудов А.Ю. - 230000000 сўм.
4. Махкамов Т.С. - 230000000 сўм.

Шунингдек, Ҳакимов Ф.И. қолдиқ қиймати 230000500 сўмга тенг бино билан устав капиталига ўз улушини қўшди. Акционерлик жамияти кенгаши қарори билан устав капитали миқдорида 5000 дона оддий акция чиқарилди ва дивиденд миқдори 15 фоиз қилиб белгиланди.

**1-топшириқ.** “Нур” акционерлик жамияти устав капитали миқдорини аниқланг ва устав капиталини шакллантириш тартибини бухгалтерия ҳисоби ёзувларида акс эттириш.

**2-топшириқ.** “Нур” акционерлик жамиятининг 1 дона оддий акцияси қийматини аниқланг ва бу жараёни бухгалтерия ҳисоби ёзувларида акс эттиринг.

## **V. БИТИРУВ ИШЛАРИ УЧУН МАВЗУЛАР**

1. Ўзбекистон Республикаси ва ривожланган мамлакатларда ҳисоб тизими, унинг таркибий тузилиши ва ҳисоб турлари.
2. Молиявий ҳисоботнинг халқаро ва миллий стандартлари.
3. Ҳисобнинг вазифалари, предмети, объекти ва тамойиллари.
4. Хўжалик маблағлари ва унинг ташкил топиш манбалари, уларнинг туркумланиши.
5. Ҳисобнинг усуллари ва унинг элементлари.
6. Ҳисоб сиёсати.
7. Молиявий ҳисобот.
8. Пул маблағлари ва ҳисоб-китоблар ҳисоби.
9. Асосий воситалар ва номоддий активлар ҳисоби.
10. Материаллар ҳисоби.
11. Меҳнат ва иш ҳақи ҳисоби.
12. Молиявий қўйилмалар ҳисоби.
13. Турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар ҳисоби.
14. Харажатлар ва уларнинг ҳисоби.
15. Ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, хизматлар) таннархини калькуляция қилиш усуллари ва ҳисоби.
16. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларни (иш ва хизматларни) сотиш ҳисоби.
17. Капитал, фондлар, молиявий натижалар ва мажбуриятлар ҳисоби.
18. Бошқарув қарорларини қабул қилиши.
19. Зарарсизлик нуқтасини аниқлаш.
20. Бюджетлаштириш ва харажатларни назорат қилиш.
21. Молия органлари, ғазначилик ва унинг ҳудудий бўлинмалари, давлат мақсадли жамғармаларни тақсимловчи органларда бюджетлар ижроси ҳисобини ташкил этиш асослари.
22. Бюджет ташкилотларида бюджет ҳисобини ташкил этишнинг назарий-услубий асослари.
23. Банкларда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритиш.
24. Банкларда кредит, лизинг ва факторинг операциялар ҳисоби.
25. Банкларда молиявий ҳисобот
26. Хусусий капитал ҳисоби.
27. Инвестициялар ҳисоби.
28. Узоқ муддатли активлар ҳисоби.
29. Жорий активлар ҳисоби.
30. Мажбуриятлар ҳисоби.

## VI. КЕЙСЛАР БАНКИ

### 1-Кейс.

**Мақсад-** Бухгалтерия ҳисоби объектларини ўрганиш.

**Вазифа-** Хўжалик маблағлари ва уларни ташкил бўлиш манбаларини келтирилган шакл бўйича гуруҳларга ажратиш.

Турлари ва жойлаштирилиши бўйича корхона маблағлари	Сумма (минг сўм ҳисобида)	Ташкил бўлиш манбалари	Сумма (минг сўм ҳисобида)
1.Ишлаб чиқаришга патент ва хоказо.	2503	1 Устав капитали ва хоказо. Жами	29591
Жами			

### Масалани бажариш учун маълумотлар.

Жорий йилнинг 1-январида. “Метал газ” маъсулияти чекланган жамиятнинг маблағларнинг мавжудлиги ва манбалари.

Хўжалик маблағлари ва манбаларининг номи.	Сумма (минг сўм ҳисобида)
1. Ишлаб чиқаришни амалга ошириш учун патент	2303
2. Устав капитали	29591
3. Юк автомобиллари	2796
4. Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар	425
5. Тракторлар	1522
6. Автомашиналар учун гараж	2332
7. Ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағлари	1988
8. Фрезерли дастгоҳлар	157
9. Кўп йиллик дарахтлар	973
10. Хўжаликка тегишли бўлган асбоблар-ускуналар	253
11. Таъмирлаш устахонасининг биноси	500
12. Компютерлар	1
13. Кассадаги пул маблағлари	198
14. Ёқилғи	445
15. Идора биноси	3438
16. Иссиқхона мўрилари	265
17. Пўлат тунука	886
18. Валюта счёти	895
19. Том ёпадиган туника	355
20. Тайёр махсулотлар	245
21. Корхонанинг солиқлар ва йиғимлар бўйича қарзи	802
22. Идишлар	853
23. Қурулиш материаллари	672
24. Нефт махсулотлари	1742
25. Цех биноси	827
27. Буёқлар	285
28. Кредиторлар билан ҳисоб-китоблар	822

29. Эҳтиёт қисмлар	7356
30. Бошқа ишлаб чиқариш бинолари	368
31. Материаллар	8
32. Хисобдор шахслар томонидан қарздорлик суммаси	177
33. Қисқа муддатли молиявий қўйилмалар	150
35. Банкларнинг қисқа муддатли кредитлари	3324
36. Тайёрлаш ташкилотларининг қарздорлиги	597
37. Ходимлар билан иш ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар	4100
38. Фойда	4276
39. Корхонанинг суғурта ва таъминот бўйича қарздорлиги	75
40. Бошқа ишлаб чиқариш захиралари	525
41. Акционерлардан харид қилинган шахсий акциялар	4174
42. Резерв капитали	517
43. Бошқа дебеторлар билан ҳисоб-китоблар	112
44. Қўшимча капиталлар	781
45. Асосий ишлаб чиқариш	828
	3254

## 2-Кейс.

АЖ «ДУНЁ» кассачисининг 2015 йил сентябрь ойи учун ҳисобот маълумотлари бўйича хўжалик операциялари ҳисоби журналини тузиш, 1-сонли журнал-ордер ва 1-сонли қайднома

### 2015 йил сентябрь ойи учун кассирнинг ҳисоботларидан кўчирма

Хуж жат №	Кимдан олинган ва кимга берилган (операцияларнинг мазмуни)	Кўчирма бўйича қиймати	
		Кирим	Чиким
<b>2015 йил 6 октябрь учун касса 34 варақ</b>			
	Кун бошидаги қолдик	24500	
231	116421 сонли чек бўйича (август учун иш ҳақи бериш учун – 135450 сўм, хўжалик харажатлари учун – 30000 сўм, хизмат сафари харажатлари учун – 17000 сўм)	182 450	-
232	П. Ахмедовадан ҳисобот ости қийматлари қолдиғи	360	-
471	Л.В. Лутфуллаевга ҳисобот остида хўжалик харажатлари	-	30000
472	К.В. Каримовга ҳисобот остида иш сафари харажатларига	-	17000
473	В.Н. Бахромовга 17-сонли бўнак ҳисоботи бўйича ортиқча харажат учун берилди.	-	290
233	С.В. Сафиевдан материаллар етишмаслиги бўйича қарздорликни қоплашга олинди.	197	-
234	О.В. Ориповдан асбобларнинг ишдан чиққанлиги учун қарзларни қоплашга олинди.	118	-
474	226-227-сонли тўлов қайдномалари бўйича август ойи учун иш ҳақи		73180
475	213146-сонли квитанция бўйича келиб тушган дебиторлик қарзни ҳисоб рақамига тўлови амалга оширилди		3000

	Бур кун учун жами Кун охирига қолдиқ	?	?
<b>2015 йил 9 сентябрь учун касса 35 варағи</b>			
	Кун бошидаги қолдиқ	?	
235	116422 –сонли чек бўйича олинган: - хўжалик харажатлари учун – 20100 сўм - иш сафари харажатлари – 65000 сўм	85100	
236	Л.В. Лутфуллаевдан ҳисобот ости қиймати қолдиғи	12000	
